

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

1 сентябр — Ўзбекистон мустақиллиги байрами куни

Тилимизда, дилимиздасан муқаддас Ватан!

ҚАҲРАМОНЛИК УНВОНИ МУБОРАК!

Энг улуг байрамимиз арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов фармони билан мамлакатимизнинг мустақиллигини янада мустақамлаш, дунё миқёсидаги шон-шухратини ва обрўсини юксалтириш, ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш борасида давлат ҳамда халқ олдидаги гоят катта хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларни раванқ топтириш йўлидаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнатлари, ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қўшган самарали ҳиссаси учун қуйидаги бир гуруҳ юртдошларимизга "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилиб, олий нишон - "Олтин юлдуз" медали билан тақдирландилар.

АКРАМОВА Дилбар - Ўзбекистон "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамғармасининг Наманган вилояти бўлими бошқаруви раиси;

БОБОЖОНОВ Исроим Олимович - Хоразм вилояти ҳокими;

ЗОКИРОВ Марат - Жиззах Давлат педагогика институтини қошидаги иқтисодий болалар лицейи директори;

ЛАТИПОВ Азим Шукорович - Бухоро вилояти Шохрискон туманидаги "Бухоро" ширкат хўжалиги раиси;

САИДОВ Муродулло - Қашқадарё вилояти Усмон Юсупов туманидаги Жейнов ширкат хўжалиги раиси;

ШАРАФИДДИНОВ Озод Обидович - "Жаҳон адабиёти" журналин бош муҳаррири, адабиётшунос.

БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Ўзбекистон фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган, бутун ҳаётини Ватан, халқ ва миллат тараққиётига бахшида этган бетақорор истеъдодли ватандошларимизнинг хотирасини ёд этиб ҳамда улар қолдирган катта илмий-ижодий меросни инобатга олиб, қуйидаги марҳум олим ва санъаткорлар "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотландилар:

Ҳабиб АБДУЛЛАЕВ - академик;

Содиқ АЗИМОВ - академик;

Тўхтасин ЖАЛИЛОВ - Ўзбекистон санъат арбоби, бастакор;

Убай Орипов - академик;

Игорь САВИЦКИЙ - Ўзбекистон санъат арбоби, рассом;

Тошмуҳаммад САРИМСОҚОВ - академик;

Саъди СЌРОЖИДДИНОВ - академик;

мик;

Обид СОДИҚОВ - академик;

Ҳамид СУЛАЙМОНОВ - Ўзбекистон фан арбоби, манбашунос олим;

Олим ХЎЖАЕВ - Ўзбекистон халқ артисти, актёр;

Собир ЮНУСОВ - академик;

Тошмуҳаммад Қори НИЁЗИЙ (Қориниёзов) - академик;

Яҳё Фуломов - академик.

ШУҒРОПАЛИК

"Ватан-остонадан бошланади", - дейди доно халқимиз. Шундай экан, ҳар бир киши ўз остонаси тупроғини жон қадар авайлаб асрамоғи, кўзга суртмоғи даркор.

Мамлакатимиз 11 йил ичида мислсиз даражадаги ютуқларга эришди. Мустақиллик... Бу мўтабар сўз ота-боболаримизнинг асрлар мобайнида орзу қилиб, амалга оширилмай келаётган армонлари эди.

Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирӣ, Усмон Носир, Чўлпон сингари бир қанча адиб-у, шоирларимиз бу кунларни кўришни орзу қилиб, "халқ душмани" деб аталмиш сохта

тамга остида йўқ қилиндилар. Бугун бу буюк сиймоларнинг пок руҳлари олдида бош эгамиз.

Шаҳримиздаги Амир Темур хиёбони бўйлаб сайр этарканман, юртдошларини савлат-у, виқор ила қарши олаётган Соҳибқирон Темур бобом хайкалига боқиб шукроналик ҳиссини туяман.

Қўлларида гулдасталар билан хайкал пойига таъзим-ла бош эгиб турган бахтиёр келин-куёвларни кўриб, шундай табаррук юрт фарзанди эканлигимдан беихтиёр энтикаман ва фахрланаман. Неча асрлардан буён ўз халоско-

ри - Темурини интиқлик билан қутган ва бугунги кунда Темурини яна бағрига қайтган шаҳри Кешимни, Оқсарой-у, кўк қалпоғи куёшнинг заррин шуълаларида янада ажиб жилваланаётган нилий "Кўк гумбаз"-ни кўриб, менинг жаннатмакон она шаҳрим — Шаҳрисабз ҳам мангуликка дахлдор бир юрт эканлигини, унинг ЮНЕСКО томонидан 2700 ёшда эканлиги аниқланганлигини эшитиб, бошим кўкка етди.

Бағри кенг, ҳар қарич ери олтинга тенг бўлган она Ўзбекистонимиз раванқ топиб, гуллаб-яшнайверсин.

София УЗОҚОВА

Қашқадарё вилояти,
Шаҳрисабз шаҳри

ЎЗБЕКИСТОН

Ўйнаб ўсдим боғларингда,
Айни ёшлик чоғларимда.
Хайратимнинг изи қолди
Осмонўпар тоғларингда.
Боғларга қон, тоғларга қон,
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Сенда онам изи бордир,
Суйиб айтган сўзи бордир.
Қароғида сени асраб
Ўғли бордир, қизи бордир.
Қайда сендек азиз макон,
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Тўзим билмас қарвонинг бор,
Қарвонга бош сарбонинг бор.
Эркинг қўлда, мулкинг қўлда
Яна қандай армонинг бор.
О, мен севган нурли осмон,
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Навоийнинг тилисан сен,
Берунийнинг элисан сен.
Улуғбекнинг ерда эмас
Кўкда ёнган дилисан сен.
Сен нурли ер, нурли осмон,
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Яссавийнинг ватанисан,
Темур бобом жон, танисан.
Сен ўзбекнинг кўкрагида
Кўқарган гул, чаманисан.
Номинг сенинг тилда дoston,
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Барот ЯРАШ

ЮРТИМ

Юртлар кўп дунёда, манзиллар кўпдир,
Сервиқор, нақшинқор қасрлар кўпдир,
Шаънингга битилган сатрлар кўпдир,
Менга шеъримдан ҳам суюксан юртим.

Гулларга кўмилган йўлларни кўрдим,
Изингдан тош отган кўлларни кўрдим,
Кетиб кўп соғинган дилларни кўрдим,
Меҳри булоқ каби тиниксан юртим.

Ашъорлар битарман она юртим деб,
Бергим келар кўрку камолингга зеб,
Эркалагин мени она қизим деб,
Қадди осмон каби буюксан, юртим!

Зулхумор АШУРОВА

Самарқанд вилояти
Иштихон шаҳридаги 35-ўрта
мактаб ўқувчиси



- Юртбошимизга минг раҳмат. Биз қарияларга шундай шароит яратиб қўйибди. Нурунийлар оромгоҳида келиб маза қилдим. Ахир бу ҳаммаси мустақиллигимизнинг шарофати,- дейди Бектемир туманилик Фозиҳон ота Осимов. Акмал Икромов туманилик Йўлдош ота Алимовга.

Суратчи — М. МИРСОДИҚОВ



- Қариганда одам бир-бирига сўяниб қоларкан. Болалар улғайиб тиниб-тинчиб қолдик,- дейди Нишон туманининг Жайрон қишлоғида яшовчи Амир бобо.

Суратчи — М. ХУЖАБЕРДИЕВ



- Рўзгоринг отир-сизил ишини бирга тортдик. 6 ўғил, 5 қизни уй-жойлик қилдик. Бу кунларга етгунча озмонча азоб тортмадикми, тўғрими кампир,- дейди Қўшроба тумани, Эргаш Жумановбула ширкат хўжалигида умрсуваронлик қилувчи Абдулла ота Хўжаев Тўғринуи анга юллатиб.

Суратчи — О. НУРМАМАТОВ

31 АВГУСТ — ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИ ЁД ЭТИШ КУНИ

Биз Бўстон опа билан Хадрадаги Ховузбоз маҳалласида кўшни бўлганмиз.

Опанинг турмуш ўртоқлари Машариф ака асли хоразмлик бўлиб, уша тарафда — қизил командир, катта

вилоят партия секретари лавозимида ишлаб турган чоғида советларга қарши кураш олиб борганлиқда айблаб ҳибсга оладилар.

У "Миллий иттиҳод" деб номланган советларга қарши курашган

ванинг кайвони аёл ёшига етмай бу оламдан эрта ўтиб кетишларига болаларининг отаси туфайли тортган дил оғриқлари сабаб бўлган, албатта. Ўзбек телевидениесининг "ЎЗЛИК" деб аталган кўрсатувларидан бирида "Совет даврида 43 миллион одам йўқ қилиб юборилган", деган фикр айтилганди. Отилганларнинг ҳар бирининг бир нечадан фарзанди

МЕРИВОН ЭНАНИНГ КЎЗ ЁШЛАРИ

Бир куни ишдан келсам, онам билан Меривон эна деган кўшни кампир гурунг қилиб ўтиришибди. Бу онахонни маҳалладагилар "эна" деб эъзозлашади.

- Худога шукр, мана ёлғиз болангизнинг бошини иккита қилиб, кўша-кўша набиралар кўрпачи, дерди у дардли овозда. Мен-чи, мен эса... Энанинг ўлкаси тўлиб, гапиролмай қолди.

- Момо, нега йилғаялсиз? - дедим ёнига ўтириб.

- Э, Тиллабекжон, болам! - Менинг ҳам Ортиққатим бўлганида эди... - деди-ю, йилғаб юборди.

- Бундай ишлар битта сизнинг бошингизда бўлмаган-ку, - эгани юпатмоқчи бўлдим. Меривон момо кўз ёшларини артиб, яна бир оз ўтириб кейин кулбаси сари йўналди.

Мен онамни саволга тутдим: «Момо нега йилғаялсиз?»

- Э, болам, - дея гап бошлади волидам. - Момонинг жони тошдан қаттиқ экан, ҳаммасига чидаб келаяпти. Бир замонлар кимсан култепалик Ҳамза бойнинг қишлоқда тенги йўқ, гўзал, хусндор қизи эди. Кимсан олимкентлик Эрбута қозининг суякли ва ардоқли келини бўлган. Бир берида чиройли қизлари, ўғиллари бор эди. Кўргилик экан...Энди ҳаммасидан айрилиб, ёлғиз ўзи қолди дунёда...

Мустабид тузум даврида халқимизнинг энг кўзага кўринган фарзандларини "халқ душмани" деган тўхматга қолганди. Меривон энанинг турмуш ўртоғи Тошпўлат Эрбутаев ҳам қатағон қилинган эди.

Маълумотларга қараганда, у 1939 йил 16 августда қамоқхонада қийнок азобидан вафот этган. 1959 йил 1 мартда оқланган.

Меривон момонинг 12 нафар фарзандлари ҳар хил касаликларга қалинб вафот эдилар. Бир кунда 2 тадан болаларини ер бағрига топширган пайтлари бўлган экан, шўрлик момонинг.

Момо умрининг охирида телбасифат бўлиб қолган, акаси Номозбой бобо Оққўрғон совхозига кўчириб кетибди. Онахон саксон ёшида вафот этди...

Қатағон бўлган эридан, урушда шаҳид кетган ўғлидан, бир-икки эмас, 12 фарзандидан жудо бўлиш, оғир фожеа бўлган. Бу бир оила мисолидаги воқеа, холос.

Ҳали тарихи саҳифалари қаърида қанчадан-қанча шаънига қора доғлар қалпалган юртдошларимиз бор. Уларни излаб топиб ёллаш, бугунги кунимиз қадр-қиймати, шаън-шукҳи ҳақида ёшларимизга сабоқ бериш муқаддас вазифамиздир. Токи ёшларимиз тарихимизни билсин. Чунки ўтмишсиз келажак бўлмайди.

Тиллабек МИРЗААХМЕДОВ,
меҳнат фахрийси

Тошкент вилояти,
Оққўрғон тумани,
Гулистон ш./х.

АЙТАР СЎЗЛАРИ КЎП ЭКАН

амалдор эканлар.

Бу орада биз маҳалладан кўчиб кетдик ва мен Бўстон опангизнинг, ўғилларини поччамизни ҳам ортиқ кўрмадим. Бу йиллар ичида озмунча сувлар оқиб ўтди, эл-юрт бошидан неча минг савдо ўтди... Шахса сиғиниш йиллари деб кейинчалик ном олган йилларнинг уқубатларию, уруш йиллари юртимизнинг не-не шер йигитларининг қирғин баротта йўлқанглигини айтиб адо этиб бўлармиди... Шу йўсин орадан қирқ йиллар ўтганда Бўстон опамлар билан поликлиникада учрашиб қолдим.

- Поччамлар қалай, сийхат-саломатмилар?..

Саволим ҳавода муаллақ қолди. Бўстон опам бир хил бўлиб кетгандай кўриндилар.

- Уйга бориң, - дедилар ялчнок овозда, — бафуржа гаплашамиз... Сизга айтар сўзларим кўп. Бўстон опангизнинг усти бутун - ичи тутун, - дедилар қандайдир сирли бир тусда. Боришга ваъда қилдим...

Лекин афсус, мен берган сўзимнинг устидан чиқолмадим, уларикига бориш насиб этмади, ортиқ қўришолмадик. Орадан бир қанча вақт ўтгач эса Бўстон опангизнинг тўғич ўғиллари - Илғор Қориев билан учрашдик. У отаси Машарип Қориевнинг ҳаёти ва фаолиятига доир йўқан-терган суратлари ва ҳужжатларни келтириб берди менга. Ана шундагина мен Бўстон опамларнинг менга айтар сўзларининг маъно-моҳиятини англаб еттибман.

Машарип Қориевнинг бор-йўғи ўттиз тўрт йиллик умрида босиб ўтган ҳаёт йўлига рази солинса, Совет ҳокимиятига сидикдил хизмат қилганининг шохиди бўламиз. Машарип Қориев 1920-1923 йиллар мобайнида Хоразм вилоят Коммунистик Ёшлар Союзи Марказий Қўмитасида инструктор, кейинчалик сийсий бўлим ходими сифатида фаолият олиб боради. Машарип Қориевни машъум 1937 йилнинг бешинчи сентябрида Хоразм

уюшмага аъзоликда айбланади ва жиноят иши очилади. 1937 йилнинг 2 октябридаги терговда ҳам Машарип Қориевдан советларга қарши фаолиятига — босмачиларга қурол етказиб бериб турганига иқдор бўлишни талаб этадилар. Лекин Машарип Қориев бир йилу тўрт ой давомида ётиб, неча-неча терговларда бу айбни тан олмайди. Неча-неча ойлар давомида турмадаги тортган азоб-уқубатлар киларини қилган, ҳали озодликда юрганидаги ортирган дарди хуружи уни тўшакка қадаган, ер тишлатган эди. Ва охири бу дард туфайли 1939 йилнинг учинчи январида Урганч турмасида Машарип Қориев тўхматларини тан олмай оламдан ўтган эди. Унинг пок номини тиклаш учун раффикаси Бўстон Халилованинг ҳаракатлари бежиз кетмади. 1958 йилнинг 16 августидан Бўстон Халилованинг қўлига келиб теккан маълумотномада «Қориевнинг гуноҳи исбот этилмаганлиги ҳамда вафот этганлиги туфайли жиноий иш ёпилганлиги», - билдирилган эди. Ишончим комилки, Бўстон Халило-

вўлган деб таҳмин қилинадиган бўлса, етимлар армияси неча миллион бўлган экан? Рус тарихчилари бу рақамнинг 80-90 миллионга етганини ҳам қайд этишади. Булар отувга ҳукм этилиб, ҳукм ижро этилганлар. Бу рақамга Машарип Қориева ўхшаб ҳали ҳукм чиқарилмаёқ дардга қалиниб оламдан кўз юмган ёки совуқ ўлкаларга сургун этилиб очилган, совуқдан ўлим тоғланган ҳам қўшилса билмадим қанчага етаркин?

"Ўлганнинг кетидан ўлиб бўлмайди", деган нақл бор. Демак яшаш керак. Яшаганда ҳам ҳурриятга эришиш йўлида қатл этилиб кетган, сўнги мақон учун она замин тулроғидан ўрин толмай авахталар ва сургунларда қолиб кетган ватандошларимиз руҳини шод этиб улар етишишни оруз қилиб етолмай кетган мустақилликни кўз қорачигидай сақлашга ўзни бахшида этиб яшамок керак.

Холита АХРОРОВА,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган
маданият ходими

АЁЛЛАРГА ЭҲТИРОМ

Ўзбек Миллий академик драма театрида «Қарияларни қадрлаш йили» ва мустақиллигимизнинг 11 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси "Аёлларга эҳтиром" мавзусида тантанали кеча ўтказди.

Тантанали кечада сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Фуломова ҳукуматимизнинг асосий мақсади аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилганлигини таъкидлади.

Шуниси эътиборга молики, мамлакатимизда аёлларнинг жамиятда тугган маъкеини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Қариялар манфаатлари ҳимоясини таъминлаш бўйича ҳам фаол ишлар олиб борилмоқда. Ўсиб келаётган

авлоднинг жисмоний, ақлий ва маданий ривожланиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Яқинда қабул қилинган ва бугунги кунда жадал амалга оширилаётган муҳим ҳужжатлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни қучайтириш тўғрисидаги Фармони ҳамда ҳукуматимизнинг аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори бунга ёрқин мисол бўла олади.

Тантанали кеча санъат усталари ва ижодкор ёшлар иштирокидаги катта байрам концерти билан якунланди.

Назokat УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

ЎҚУВЧИЛАР УЧУН ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР

Республика Халқ таълими вазирлигининг Матбуот марказида давлат таълим стандартлари ва замонавий дизайн талабларига мос равишда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари учун танлов асосида яратилган янги дарсликлар ҳақида ушбу соҳа мутахассисларининг матбуот ходимлари иштирокидаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар янги ўқув йили учун тайёрланган янги дарсликларнинг ҳар томонлама афзаллиги ва қўлай томонлари ҳақида гапириб ўтидилар. Ҳар бир фан учун дарсликлар ярати-

лишида муаллифлар томонидан 4 тадан б тагача қўлзмазлар танловга тақдим этилиб, улар ичидан ўқувчи учун энг қўлай ва керакли деб топилган танлаб олинди. Ўқувчиларга етарли микдорда чоп этилди ҳамда ўз вақтида барча вилоятлар мактабларига юборилганлиги маълум қилинди. Шунингдек Республика мизда мавжуд бўлган рус, тожик, қорақалпоқ, қозок, туркман, қирғиз ва бошқа тилларда ўқийдиган ўқувчилар учун ҳам керакли микдорда дарсликлар тайёрлиги айтиб ўтилди.

Лола АХМЕДОВА

БОЛАЛАР ПАРЛАМЕНТИ ИШ БОШЛАДИ

Шу йилнинг 19-23 август кунлари Тошкент шаҳрида Болалар парламентининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Республикаимизнинг барча туман ва шаҳарларидан танлов асосида танлаб олинган 219 нафар ёш депутатлар қатнашдилар.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ёш авлод ўртасида демократик ғояларни жорий этиш, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, ижтимоий фаоллигини оширишга муҳим аҳамият берапти.

Юқоридагиларни инобатга олиб ҳамда БМТ бош Ассамблеясининг болаларга бағишлаб ўтказилган махсус сессиясида ишлаб чиқилган дунёни ўзгариштиришда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш йўналишларини назарда тутиб, Республика Болалар жамғармаси ўзининг махсус дастурини бошлади. Дастурнинг асосий мақсади парламентаризм, жамиятни демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари, соғ-

лом турмуш тарзи тушунчаларини тарғиб қилиш, ўзаро мулоқот, маърузачилик маҳоратини ўргатишдир.

Ёш депутатлар ўзларининг биринчи сессияларида давлатимиз Конституцияси, демократия принциплари, бола ҳуқуқлари масалаларига бағишланган тренинг ва мунозараларда қатнашдилар. Олий Махлис депутатлари, қўмита аъзолари, Омбудсман, республика муассасалари раҳбарлари билан учрашдилар.

Болалар парламенти ўз номлари ва дастурларига кўра бир йилда 2 маротаба ўқувчиларнинг таътил даврида сессияларини ўтказди. Депутатларнинг ёши 14 дан 17 ёшгача бўлиб, уч йилга сайланадилар. Ҳар бир депутат сессиялар орасида ўзи яшаётган туман, шаҳарда сессиялардан олган билимларини тенгдошлари ўртасида мактаблар, гузар жой, ва маҳаллий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб қиладилар.

Темур РЎЗИМАТОВ

ИҚЛАМ, СУВ ВА
АТРОФ-МУҲИТ МУАММОСИ

"ЭКОСАН" Халқаро жамғармасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология бош бошқармаси ва "ЭКОСАН" Тошкент клуби (Рим клубининг филиали) ҳамкорлигида тайёрланган "Бугунги куннинг глобал муаммолари: иқлим, сув ва атроф-му-

ҳит" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Учрашувда ушбу муаммолар билан шуғулланувчи таникли экологлар, климатологлар, метеорологлар иштирок этдилар ва иқлим ўзгаришининг антропоген ва табиий сабабларини таҳлил этиб, ҳаво ҳарорати кўтарилиши билан боғлиқ бўлган экологик муаммолар, уларнинг ечилишини топиш йўллари ҳақидаги фикрларини қатнашчиларга билдирдилар.

Ўз мухбири

Хаётда оналикнинг моҳияти ва масъулиятини англаган оналар кўп-у, лекин оталикнинг моҳияти ва масъулиятини идорқ этган оталар озчиликни ташкил қилади. Бундай ҳулосага келишимга бир отанинг аъмоли асос

ратидан, шу эҳким подага бормай қўйди. Илгари подадан қочиб, уйга келмасди. Энди бўлса, подага ташлаб келсамда, оркамдан тўри уйга келади. Вақти-вақти билан мени соғ дегандай маъраб, тумшуғи билан уй эшигини

ни эшитиб, гўё миям чатнаб кетди. Дарров узок вақт санъат соҳасида ўқитувчилик қилган танишимни эсладим. Бу одамнинг ёши етмиш иккига етганда аёли оламдан ўтди. Эллик йил бирга яшаган экан. Фотиҳага келган одамга шу

ними? Бизнингча иккинчисини, чунки ҳақиқий маданиятга эга бўлган киши шундай бўлади.

Қош қорайганда азали уй олдига катта юк машинаси келиб тўхтади. Хайдовчи Чиллавоё аканинг кичик ўғли, Мавлон экан. У салом бериб эшикдан кирар экан, отасига алоҳида илтифот кўрсатди ва олиб кетгани келганини айтди. Чиллавоё ака машинага ўтирар экан, у билан меҳр ҳам, илтифот ҳам эргашиб кетгандай бўлди.

Маълумки, ҳар қандай иборатли, чиройли иборалар ишлатиб ёзилган воқеа агар манзилсиз бўлса, унинг таълири кам бўлади. Лекин биз ҳикоя қилган воқеа — реал. Чиллавоё ака Болибоев Тошкент вилояти, Охангарон тумани, Жанжал қишлоғида истиқомат қилади. У эллик йилдан ортқ жамоа ҳўжалигида, далада ҳалол меҳнат қилди. Бу орада халқ подасини боқиб, «подачи» деган ном ҳам олди. Чунки подачилик даладан кўра даромадлироқ эди. Йигирма йил давомида болаларни воёга етказганча не азобларни, уйқусиз тунларни бошидан ўтказган бўлса, мана ўн йилдан бери жони роҳатда, келинлари парваришида, ўндан ортқ неваралари кучгоғида. Қизлари — Махшара, Мукаддам, Маъмуралар ўз оиласига эга. Тинч-тотув яшашибди. Ўғиллари Маннон, Мавлонга баҳоли қудрат алоҳида уй-жой қуриб берган. Иккаласи ҳам яхши касб эгалари. «Халиям кетмонни қўлдан ташлаганим йўқ. Томорқада ишлайман»,- дейди Чиллавоё ака қулиб. Шундан бўлса керак, етмишдан ошган бўлса ҳам қадди тик, қадами шаҳдам. Балки шундай одамлар эвазига ҳаётда эзгулик қилибди. Чунки улар ерга дон сочгани каби, одамларга меҳр сочади, эзгулик улашади. Шундайлар бор бўлсин, омон бўлсин дунёда.

Ҳакимжон КАРИМОВ,
Низомий номидаги
ТДПУнинг профессори

ШУНДАЙ ОТАЛАР БОР БЎЛСИН

бўлди. Бу ота олим ҳам, ижодкор ҳам, санъаткор ҳам эмас. Оддий деҳқон. Тақдир мени унга бир табаррук она маъракасида рўпара қилди. У ҳассасашлар сафида турарди. Бу паст бўйли, миқтидан келган, қотма, авра-астари юпка чопон кийган одамдан маъракага келганларнинг барчаси ҳол-аҳвол сўрар, ҳеч бўлмаса, катталар: «Ха, Чиллавоё!», «Ха, Чиллавоё ака!», деб ўтишарди. Одамларнинг ундаги қандайдир меҳригёё ўзига жалб этарди. У эса жиддий, унда-мунда оқ оралаган сийрак соқолини силаб: «Раҳмат, яхшиман, юрибман тупроқдан ташқари. Худого минг шукр!», деб жавоб қайтарар эди. Кейин билсам, бу одамга нисбатан кишиларнинг эътиборининг сабаби, унинг тутган аъмоли туфайли экан.

Кечга томон фотиҳагирларнинг оёғи узилгач, у билан суҳбат қурдим. Қирқ бир ёшида хотини ўлиб, беш бола — уч кизи, икки ўғил билан бева қолган экан. Ўшанда каттаси биринчи синфда, кичиги эмизикли бўлган. Ҳеч кими ўйлиқдиган кеч уйланган экан. Болаларини ҳам она, ҳам ота бўлиб воёга етказибди.

«Нега уйландингиз? Ахир буларни оёққа тургазиш осон эмас-ку», деганимга, «Ха, кийинликка кийин бўлган. Ҳозир ўйласам, қаердан менда шунчалик куч, ирода, чидам пайдо бўлганига ўзим ҳам ҳайронман. Лекин қандайдир кўринмас куч менга мадад бериб турганига имомни қомил. Чунки кизчамга янги болалар экимнинг сутини бера бошлаганимдан кейин, Худонинг қуд-



туртади. Сутини мўллигини айтмайсизми. Елини мисоли булоқ дейсиз. Шу эҳкимни сuti билан касалга чалинтирмай оёққа тургазим. Маҳалла-кўй, кўни-кўшиллардан миннатдорман. Ташлаб қўйишмади. Қизчамни қандай белашни ўргатишди. Кейинчалик бу нарсани ҳам ўзим эпладим. Қизларимнинг бўйи қўзилиб қолганида, айниқса кўшни аёллар ва хоҳалари катта ёрдам беришди. Аллоҳ уларнинг йўлини равоқ қилиб, бугуни ва охиратини берсин. Уйлишнинг ўзим истамдим. Ошча-оғайилар кўп зўрлашди, лекин унамадим. Сабаби, ўзим етим ўсганман. Етимликнинг жабрини, хорлик-зорлигини кўп тортганман. Улар ҳам шу қўйга тушмасин дедим. Уйлангандан сўнг ҳар қандай ҳолатда ҳам болаларнинг меҳри аввалгидек бўлмайди, бўлинади. Бўйи эгилди, елкаси қисилди. Болаларимни шундай бўлишини истамдим. Қолаверса, ҳаётда яхши хотинлар кўп-у, яхши оналар кам»,- деб жавоб бердилар.

Мени бу фалсафий ҳақиқат-

ҳақда гапириб, ўзининг мунгайиб ўтириши билан кўп кишини кўнглини ўқситди, хотинига бўлган меҳри туфайли одамларнинг меҳрини қозонди. Надоматлар бўлсинки, шу одам хотинининг йили қиқши билан, санъаткор аёлга, ашулачи талабалари иштирокида тўй қилиб уйларди. У аёл билан мурасалари келишмай ажралишди. Кўп ўтмай тўрт болали эллик ёш

лардаги аёлга уйланиб, унинг ўғлини расман ўғил қилиб олиб, ўзининг икки ўғлининг насибасини қирқди, яшаш шариитини оғирлаштирди. Таажжубки, одатда одоб-ахлоқдан, нафсини тийишдан, диёнатдан, инсофдан ўзгага насиҳат қиладиган зиёлилар ўртасида бундай ҳодисалар кўп учраши, ҳатто болаларини тирик етим қилиб, бошқа аёлга илакишишни кишини ҳайрон қолдиради. Баъзи бир аёллар — оналарнинг шундай йўл туттишлари ҳам кишини яна таажжублантиради. Мана шуларни ёдга келтирар эканман, «Маънавий қомиллик нима? Бунга муяссар бўлганлар қандай одам бўлади?» деган савол кўндаланг бўлади. Ҳақиқатан ҳам қандай одамни қомил деймиз? Маданиятли кийининг, чиройли гапирадининг, зиёлиёна кишиларини ёки дили пок, ўз шахсий ҳузур-ҳаловатидан кечиб, ўзгаларнинг бахти учун ўзини фидойи қила оладиган, оталикни фарзанд яратибди эмас, уни инсон қилиб тарбиялашда деб биладиган Чиллавоё акага ўхшаган одамлар-

ОНАНИНГ ОҚ ИЯТЛАРИ

Уч акам, бир опам, уч синглим икки укам бор. Ҳеч камчиликсиз яшаб катта бўлдим. Отам раҳматли ҳаммамизни бирин-кетин ўқитдилар. Тўри тарбия бердилар. Катта акамни уйлантирдик. Онажоним 36 ёшда «қайнона» деган шарафли номга эга бўлди. Отажоним ўша вақтда 41 ёшда бўлганлар. Янгажоним ҳам ўзимизга қариндош. У вақтда акам талаба эди. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Ўшанда тўйдан кейин ота-онаси, сингиллари, янгалари ййлаб хайрлашса, мен ҳам янгамга қўшилиб ййлабман. Шунда ўзимга: «Янгамни ҳеч хафа қилмайман ва бошқаларга ҳам хафа қилдирмайман»,- деб сўз бердим. Янгам онамнинг қўлидан ҳамма юмушларини олди. Биз бир-биримиз билан шундай аҳил яшардикки, қишлоқда ҳамма хавас қиларди. Кейин бирин-кетин хиянчаларим дунёга келишди. Кейин хонадонимизга иккинчи, учинчи янгам келин бўлиб келди. Бизнинг оилада ҳамон ўша аҳиллик, ўша меҳрибонлик ҳукм сўрарди. Янгаларим алоҳида яшай бошладилар. Учала янгам ҳам бир-биридан яхши, хушмуомала эдилар. Агар онажоним янгамларда бирор бир ўзгариш, хафалик сезсалар, дарров бориб, акаларимни қойиб келардилар. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Ўшанда мен Самарқандда ўқирдим, уйга

шанба-якшанба кунлари келардим. Уйга келсам, ўртанча янгам келин бўлиб тушган уйдан шошиб, югуриб ошхона томон ўтди. Менга эътибор қилмадимки, кўрмудими, ишқилиб орқасидан бордим. Уйиб-қучоқлашиб қўришдим. Янгамнинг кайфияти йўқроқ, кўзалари қизарган эди. Уйга кириб онамга айтдим. Онам аста чиқиб янгамдан сўрадилар. Билсам, янгам акамнинг қўйлагини дазмол қила-

Ота-онамдан олган сабоқларим

ман деб, қуйдириб қўйган экан. Шунинг учун акам янгамга бир тарақси туширибди. Шунда онам тандирхонадан узунроқ чўп синдириб олиб, акамни шундай савалладиларки... Шу-шу акам янгамни бошқа хафа қилмайдиган бўлди. Отажоним эса, майда-чўйда ишларга ҳеч аралашмасди. Лекин байрамларда, туғилган кунларда ўзлари атайлаб почтадан бизнинг оиламиз хотин-қизларига «сюрприз»- совға жўнатарди. Албатта совғаларнинг зўри, яхшиси — янгаларимники бўлар эди. Бизларга янгамлар йўқликлариди: «Сизлар менинг қизларим, агар сизларга яхши совға олсам, «улар қизлари — биз келин-да», деб ўқисамиз. Улар ота-онасини соғиниб шундоқ ҳам қўнғиллари ярим деб»,- айтар эдилар. «Аслида менга келинлардан фойда — сиз-

лардан қайнота-ю қайнонагизга фойда», деб ҳазиллашардилар.

Йиллар ўтиб мен, опам, синглим турмушга чиқиб кетдик. Отам қувварини ўғилларидан зиёд кўрарди. Кейин укамни уйлантирдик. Отам тўртинчи келинни ҳам ардоқлаб, эркалаб қақирар эди. Онажоним ҳам келинларига қаттиқ бақирмасди. Аксинча, хато қилсалар ҳам, ёки ном ёполмай, нонни тушириб қўйсалар ҳам, овқатнинг тузи ё баланд, ё паст бўлиб қолса ҳам, мактаб-алқаб ердилар. Янгамлар ўзлари хатоларини дарров англаб олишарди.

Мана ҳозирги кунда онажоним бешинчи келин олиш арафасидилар. Онажоним: «Тўртта келиним яхши. Худо хоҳласа бешинчи келиним ҳам яхши бўлади»,- деб ният қилмоқда. Онажоним 56 ёшдалар. Илоийм, ҳаммамизнинг бахтимизга умрлари узок бўлсин. Мен баштан газета-журналларда баъзи «қайнона-келин» муносабатларини ўқиб ёқа ушлайман. Ўзингиз ўйлаб фикр қилинг. Қайси қиз-жувон қайнона бўлмайди, ёки қайси қайнона келин бўлмаган?

Азиз, меҳрибон, ғаниматим онажоним, ҳаётингиз кексалик гашти билан тотли ўтсин. Сиз оруз қилган кенжа келинингиз бошқа келинларингиздек оқила бўлсин.

Муҳайё БЕРКИНОВА
Жиззах шахри



ҚИЗЛАРГА АТАЛГАН СЎЗЛАР

(Боши ўтган сонларда.)

Ўзинг эса кўчага атаган чиройли кийимларингни кийиб, ўсма-сурмангни қуюқ қилиб юрган бўлгин! Ана ўшанда унинг миёсига ток уради. Юрагига ғашлик тушади, «нега мен билан қизқимаяпти, очилиб кетганини қаранг бунинг, мени олдингидай қизғонмаяпти ҳам, бу туришида бировга қўнгли тушиб қолган бўлса-я», деган ваҳима пайдо бўлади. Қандай қилиб бўлса ҳам унинг юрагига шу ваҳимани солиш керак! Натижасини ўшанда кўрасан!

Ўрни келганда мағрур бўла билиш ҳам — илм! Сенга хиёнат қилган эркингина ялинма, илтижо қилма! Мағрур бўл, аммо унинг қўнгли қоладиган иш қилма. Сабр қил, бугун бўлмаса эртага сени унга солиштиради: Ўшанда сенинг фазилатларинг устун келгудай бўлсин. Никоҳнинг оҳанрабои, кўз очиб қўрган рўзгорнинг меҳри ўлмайдиған нарсаси, бир кун жуфтинг остонанга зор бўлиб қайтиб келади. Халқнинг «Кел-кел деса келмайди, келма деса келади» нақли рўзғорга ҳам тааллуқли! Сабр қил!

ХОТИМА

«Туғиладиган бола қиз бўлса, тўлғоғи аччиқ бўлади», дердилар онам. Дунёга инқилобий жараён билан келаятганининг ўзи бу зот оддий эмаслиги, унда бир гап борлигига ишора. Буни қарангки, ўғил болага қараганда, қиз бола жисмонан пишқ тугилди ва осон катта бўлади, бу ҳам бир сир! Қолаверса, аёл зоти нисбатан узокроқ яшайди, бу ҳам синоат! Яна: ё ўқиганман, ё эшитганман — агар эркак йиллабмас, ақалли бир неча кун давомида бир аёл ўтайдиган юмушни сурункали бажариб қўрса, чарчабгина ё касал бўлибгина эмас, ҳатто ўлиб қолиши мумкин экан! Аёл эса узиламан деб турган қилдай бели, гўлдай нозик жуассаси билан бу дунёнинг эркаклар кўтаролмаган зил юklarини кўтариб ўтади! Унинг ҳаракатлари бамисли асфалтнинг ёриб чиқаётган майсадай! Яна бунинг устига бирдай яшанб тураверишини айтмайсизми! Эсимни танибманки, ўз тоифамни ҳайрат билан кузатишдан чарчамадим! Аёл — асрорхона! Аёл — мўъжиза!

Мўътабар ойм, дунё сени шундай интиқлик билан қабул этди, сени ўзи азиз қилди, аммо бу билан фахрланмагангайсан, аксинча, елканга қўйилгангайсан юк жуда оғир, уни кўтара олиш, торта олиш мушкулоти бор. Ҳамма мўъжиза сендаги ўша юкда! Атрофдагиларга балоғардон бўладиган ва уларни саодатманд қиладиган неъмат бор сенда! Сен уни одамларга тилинг билан, қўлинг билан, дилинг билан улашиб яшайсан. Илоҳим, шу йўлда адаштирмасин!

Бебаракот рўзгорлар, қўйди-қичдилар, болалардаги бадфелликл, оға-инилар ўртасидаги узилишлар, фарзандларнинг бошига тушадиган қулфат асосан аёл зотининг хатолари туфайлидир! Билиб қўй, сендан, яъни аёл зотидан фақат яхшилик тарқалиши керак! Чунки жисминг тўла ҳосият! Сени Оллоҳнинг олий неъматиди атадилар! Шу буюк неъматни, бу бебаҳо имкониятни исроф қилиб қўйма.

Одамларга бахт улаш ва ўзинг ҳам бахт ичра яшаб бор!

(Тамом)

Турсунно СОДИКОВА

БЕШ ОЙ АЗОБ ТОРТИДИМ

1995 йил 6 июнда ўғил фарзанд кўрдим. Суюнганимдан оламга сизмасдим. Ота-онам ҳам биринчи назира кўрганларидан жуда хурсанд эдилар. Лекин кўзим ёригандан кейин аёлларга хос жиҳатдан жараҳатландим. Шифокорларни ёмонламоқчи эмасман. Буни қандай қилиб, нима деб тушунтиришга ҳам ҳайронман. Тугрукдан кейин мен ўтириб ўз ўғлимни эмизолмасдим, эркалаб суйолмасдим. Шу юришимда ўғлим 5 ойлик бўлди. 5 ой ичида туманимизда учрашмаган шифокорим, олмаган уқолим, ичмаган дори-дармонларим қолмади. Лекин ҳеч фойдаси бўлмади. Дардимнинг нима эканлигига ҳеч ким, ҳеч қайси шифокорлар аниқ ташхис қўйишолмади. Оғриқ зўр эди. Кечалари ук-

лолмай Худого нолалар қилиб, йиғлаб чиқардим. Кўпроқ онамларникида бўлардим. Чунки ўз уйимда яшасам, мен учун ҳам хизмат қилиш овсинимга малол келади, дердим. Қайнона-қайнотам дардимни тушунар эдилар. Лекин овсиним мендан ёши катта, иш қилса зарда билан қилар ва ҳаммага менинг касалимни рақ деб таркатган эди. Мени ота-онам Фаргона шаҳридаги онколог-гинеколог шифокор Ҳалима Хасановага олиб бордилар. У киши мени текшириб кўриб, Тошкент шаҳридаги онкология диспансерига йўлланма берди. Отамни қақириб: «Кизингиз касалига «ўсма», деб ташхис қўйдик, лекин у янги туққан экан, янги туққан аёллар бундай касаллик билан оғримайди», деб айтди. Уша жойда ме-

нинг ва ота-онамнинг қай аҳволга тушиб қолганимизни таърифлашга ожизлик қиламан. Биз шу куни қайнота-қайнонам олдида бордик. Уйга кирдик. Онам бечора тинмай йиғлар, мен бўлсам ҳаётдан умидимни узган эдим. Бор гапни уларга айтдик. Эрим ишга кетган экан. Мен қалин кийим-кечакларимни, боламнинг уст-бошларини олиб ҳайрлашиб Тошкентга йўл олдик. Соат кечаси 2да Тошкентдаги онкология илмий текшириш институтига кириб келдик. Бу ерда биз Дилара опа деган шифокорга учрадик. Бу аёл (миллати бошқа бўлса-да) меҳрибонлик билан бизни қабул қилди. Ширин сўзлар айтиб текширишга ўтди.

Бир соатлардан сўнг менда ҳеч қандай касаллик йўқлигини ва туманимиздаги шифокорлар нотўғри тугдирганлигини, соғломлигимни айтиб қувонтирди. Мен 5 ой торган дардимнинг давоси осон экан.

Шунча вақт томиримдан қийналиб олган уқоларим, ичган дориларим бефойдалигини айтишди. Шундан бери «туғруқхона» деса юрагим дош бермайдди. Аммо, Худонинг бергани экан, ундан кейин ҳам 2 та фарзандли бўлдим. Тошкентдан шунақанги хурсанд бўлиб қайтдикки, қувончимиз оламга сизмас эди. Бу мактубни ёзишдан мақсадим шуки, шифокорлар одамлар тақдирига нисбатан нихоятда эътибор ва масъулият билан ёндошишса, дейман. Ва юқорида айтганим Фаргона шаҳридаги шифокор Ҳалима Хасановага, қолаверса Тошкент шаҳридаги Дилара опага ўз миннатдорчилигини билдирмоқчиман. Буларга Худодан узоқ умрлар тилаб, келажақда янаям қўллари енгил шифокор бўлиб хизмат қилишларини сўрайман.

М.

Олтиариқ тумани



Ҳаёт ташвишлари ва қувончлари



АЁЛ БАҒРИ ТОШ БЎЛСА...

Менинг «Ўғлим етим бўлишини истамайман» сарлавҳали мактубим газетанинг шу йилги 14-сонда босилиб чиққан эди. Шунга қарамай умр йўлдошим уйимизга қайтмади ва бизларни тинч қўймади, мени ва мен учун бу дунёда энг азиз бўлган дадажонимни милицияга югуртирди, туҳматлар қилди. Хуллас, хотиним отасининг гапига кириб, кетиб қолди. Бу ҳол етмагандек, азиз ва меҳрибон дадажонимдан айрилиб қолдим. Дадажоним бу ёруғ оламдан эрта кўз юмдилар. Уша куни менга: «Ўғлингиз кўрмай бу дунёдан ўтиб кетаминми-а?» дегандилар. 8 кун касалхонада дадам билан бирга ётдим. Чунки келинлари ва набираларини ўйлаб дадажонимнинг қон босими кўтарилиб кетган эди. Охириги дақиқаларда: «Келинимни ва набираларимни бир кўрсам армоним йўқ эди. Келинимга айт, уйга қайтсин, набиранимни етим қилиб юрмасин», дедилар. Лекин хотиним дадажонимга ўз набирасини бирон марта олиб бориб кўрсатмади. Дадажоним бу ёруғ оламдан армон билан ўтиб кетдилар. Мен уларнинг охириги сўзларини бир неча бор хотинимга бориб айтдим, лекин у менга: «Дадагиз ўлса - ўлибди, менга нима?» деди. Ишонасизларми, дадажонимнинг сўзлари синмасин деб хотинимга роса ялиндим, ёлвордим, лекин у кўнмади. Қайнотасининг ўлимига сабабчи бўлган бундайин бағритош хотин билан энди мен қандай яшай?

Нима учун ғанимат бу дунёда кексаларимиз кўнглини оғритамиз. Ота-оналаримиз бу дунёга келиб-кетадиган меҳмон. Азиз келинлар! Қайнота ва қайнона деганлар турмуш ўртоғинингизнинг ота-онаси, фарзандларингизнинг бобоси бўвиси... Уларни кўнглини ҳеч қачон ўқситманг. Менинг хотинимга ўхшаб қайнотангизнинг кўнглини қолдирманг.

Ш. Д.

«Оила ва жамият»ни яқиндагина олиб ўқийдиган бўлдим. Биласизми, шундан сўнг ҳаётимни газетасиз тасаввур қила олмайдиган бўлиб қолдим. Газетани мутолаа қиларканман шуни англадимки, жамиятда ўз ўрнини ва айтган сўзим бўлиши керак экан. Менинг орзуларим кўп. Айниса шеърятга ихлосим жуда баланд. Ҳаётимдан нолимайман, беш

СЕВГИНИ ҚУЙЛОВЧИ БУЛБУЛ БУЛАМАН...

нафар фарзандим ва сеvimли оила бошим бор. Лекин хасталиклардан тезтез азоб чекиб тураман. Шу сабабданми, шеърятга бўлган ҳавасим ҳам сўна бошлади. Чунки атрофимдаги баъзи бир кишилар мендан (балки бу менинг фойдамгадир) шоира чиқмаслигини бот-бот эслатиб туришади. «Мўтихон»- дея масқара қилишади. Оилани аэлининг асосий вазифаси — уй юмушлари, фарзанд тарбияси, деб таъкидлашади. Бундайлар фикрича, жамиятда бўлаётган ўзгариш ва янгиликларнинг менга ўхшаш аёлларга дахли йўқ эмиш. Лекин мен шундай фикрдаманки, агарда фарзандларимни шу муҳитда тарбия қилсам, улар ҳам ўтирган бўйра бўлиб қолишлари мумкин. Мен буни истамайман. Шунинг учун энди мен ўзимда етишмаётган шижоатни кашф этмоқчиман ва бу борада биринчи қадамни ташладим. Кунда бўлмаса-да қалбим жунбушга келганда юракдан чиқаётган сатрларни оқ қоғозга тўкавераман. Шеърларимдан бирини эътиборингизга ҳавола этаётирман:

Умр сўқмоғидан бораман аста,
Гоҳида шод бўлсам, гоҳида хаста.
Гоҳида орзулар мева беради,
Гоҳида уларни совук уради.

Гоҳида азобдан жоним қакшайди,
Ёмон сўз юракка нашта қадайди.
Ғанимлар йўлимга сиртмоқ ташлайди,
Кўзимни ёшлатиб шодон қарайди.

Гоҳида улардан устун бўламан,
Ҳаёт чаманида гулгун бўламан.
Сеvgини қуйловчи булбул бўламан,
Мен ҳали ҳаётда бир гул бўламан.

Кўкка узатсам гар етгудек қўлим,
Опоқ нурга гўё йўғрилган йўлим.
Елкамга елкадош менинг жон элим,
Шу сабаб қиличдай кескирди тилим.

Н. ТУЙҒУНОВА

Самарқанд вилояти,
Паст Дарғом тумани,
Амир Темури ш./х.

НОСАКАШ ЙИГИТГА ТЕГМАЙМАН

Холам мени кўярда-қўймай бир йигит билан учрашувга олиб борди. Анчадан бери у ҳақда оғиз кўлтириб макташар, тезроқ кўриштириб тўйни белгилашга ошиқшарди.

Келишилган жойга хола-жиян етиб келсак, ўша йигит аллақачон келиб, бизни кутаётган экан. Ёнимдаги холамнинг аста овоз беришидан йигит сергакланди. Очик чеҳра билан аввал холам, кейин мен билан саломлашди. Лекин унинг товуши қандайдир гўлдираб чиққандай эшитилди қулоғимга. Бўлажак қувё ҳаяжонланаяпти, деб ўйладим. Аммо, бир-икки калимасидан кейин оғзида нимадир борлигини тахмин қилдим. Шу пайт қулоғимга хунук туфлаш товуши кирди. Шартта ортимга қарасам, йигит ярим қадам орқада қолиб оғзидаги носини четга туфлаётган экан.

Рости гап, бирданига кўнглим беҳузур бўлиб кетди. Хали тузукроқ танишишга улгурмай бу йигитга нисбатан қалбимда бир совуқлик пайдо бўлди. Гапни қисқа қилдим. Бошим оғриётганини баҳона қилиб уйга қайтдик. Ойимга рад жавобини айтдим.

Уша йигит билан учрашув баҳона бир нохуш ҳолатни ҳам эсладим. Бобом раҳматли ҳам носвойнинг ашаддий кашандаси эдилар. Чекардилару ўнг келган жойга — ҳали гилам ё палоснинг тагига, деворнинг бурчагига туфлаб кетаверардилар. Бу одатларидан бўвим жигибийрон бўлиб, ортларидан уришиб тозалашдан бўшамасдилар.

Чоллар-ку майли, аммо айна замонда кўринишидан дуппа-дуруст ёш йигитларнинг ҳам носвойга ошно бўлганлари менга эриш туюлади. Кўча-қўйларда кўпинча уларнинг пластмасса идишчалардаги мошранг дончаларни кафтларига олиб, тиллари остига ташлаётганларига кўзимиз тушади. Носвойни отиб олиб ёқимсиз гўлдираб, гаплашиб кетаётганлари гашга тегади.

Ёш эркакларнинг носга ружу қўйганликлари бу эҳтимол сигареталарнинг қимматлашаётганлигидандир. Аммо мен барча хилдаги кашандалик воситаларига қаршиман. Турли кайф қилдирувчи ичимликлару ҳавойи «тутун»ларга маблағини сарфламай, боламга, рўзгоримга бўлсин дейдиган эркакларни, барча эс-хушли аёллар катори мен ҳам ёқлайман. Ахир бу нафақат рўзгор иқтисоди-га, балки уларнинг саломатлигига ҳам катта фойда эмасми? Наманганлик Азизанинг хатини оққа кўчирувчи

Рисликхон МАЖНУНОВА

Жамиятимизда ҳулқи бузуқ йигитларимиз афсуски жуда кўп. Бунга талайгина мисол келтиришим мумкин.

Бир куни бир дугонамга совчилар келди, учрашишди, ёшлар бир-бир-

ПЕЎТАЙЛАР
БОРЛИГИДА АФСУСЛАМАН

ларига маъқул келишди. Тўйдан олдин икки ёш айлиниб юришса, ёнларидан бир йигит ўтаётди: «Ҳаммадан қолган қиз билан юрибсанми», деб кетибди. Бечора қизнинг аҳволини кўринг эди. Йигитга-чи, қандай таъсир қилганини билиш қийин эмас. Хали қад ростлаб улгурмаган оилаларни барбод қилмоқчи у ярамас. Яна бир куни тоғам ўғилларини уйлантирадигани бўлдилар. Тўй бўлаётган куни бошқа қариндош йигит келиб, келин ҳақида ҳаммага: «Бу қиз ҳамма йигитлардан қўлдан ўтган қиз-ку», деб кетибди. Ойдек келинчақ, намозхон, тилларидан бол томода-я, шундай покиза қизнинг уволи тутмасмикан уни? Ўзимдаям шундай воқеа бўлган. Бир куни эрталаб ишга кетаётди бекатда турсам, сал нарироқда турган фирт бегона йигит менга қўлини силтаб, бошини чайкаб, ўзича саломлашиб қўяпти. Бекатда турган одамлар олдида уялиб кетдим. Агар ўшанда ёнимда танишим бўлганида, албатта мен тўғримда ёмон фикрга борган бўлардим. Яна бир кун автобусда дугонам билан кетаётгандик. Бир йигит келиб ёнимда туриб қолди. Кўзлари ола шақшақдай, қопқора, бирам хунук, кўринишидан нияти бузуққа ўхшайдиган ўша йигит менга қараб: «Қалайсиз, яхшимисиз?», деб сўраса бўладими? Одамлар олдида изза бўлиб кетдим. Ёмон ҳақлим қайишди кетди. Агар шу тобда ёнимда қайлигим бўлганда, нима деб ўйларди? Ўзимга шаллоқ тортиб юбориши аниқ эди. Ана шунақа йигитлар биргина менга эмас, кўпгина покиза қизлар номусига тегадиган ҳақоратли сўзлар айтиб кетишяпти. Гўлдек оилаларни ана ўшалар барбод қилмаяптилармикан?

Оила - улуг даргоҳ. Уни асраб-авайлаш учун кўпроқ йигитлар масъулдирлар. Азиз йигитларимиз Амир Темури, Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Улуғбеклар авлоди эканликларини нахотки унутдилар? Биз эса Нодирбеғим, Гулбаданбеғим, Бибиҳонимдек покиза, Тўмарисдек мард момолар қавмиданми, ахир... Шундай экан, оилани муқаддас билиб, жимиятда ўз ўрнинини топа билишимиз даркор. Шунда оиламиз тинч, жимиятимиз етук бўлади. Шундай эмасми дўстим?

НАЗОКАТБОНУ

ВИАТАКА ИПОЧЛИК СЎНАСТИ

Хурматли сингилларим Мухлиса ва Шохиста. Дил изхорларингизни ҳаёгон билан ўқиб чиқдим ва ўзимнинг бошимдан кечган оғир кунларимни эсладим. Ёшим 22 да. Турмушга чиққанман. Мен учун энг катта яхшилик қилган мард инсон - турмуш ўртоғим ва 2 та бир-биридан ширин қизларим бор. Кўп тенгдошларим болалиқларини қулб билан, соғинч билан эслайди. Мен эса болалиқни умуман билмай ўтганман, десам ҳам бўлаверди. Онам биринчи турмушдан ажралиб, кейин яна турмушга чиқди ва мени ҳам ўзи билан олиб кетди. Ўғай опаларим ва ўғай бобом кўпчилик турли бахоналар билан жанжал чиқариб туришарди. Ўғай бобом, яъни ўғай отанинг отаси менга қандайдир ёмон кўз билан қарарди. 6-7 ёшларимда мени ҳўрламоқчи ҳам бўлган. У пайтларда ҳеч нарсани тушунмасдим. Вояга етиб, ақлимни танганимда эса мен жуда кийин аҳволда қолгандим. Мен ўзимни ифатсиз ҳисоблардим, чунки кечаси уйқудалигимда бу чол мени номусимдан айирган деб ҳисоблардим. Дардимни ҳеч кимга айтмай, сиқилиб юрардим. Гўё мен учун бу ҳаётнинг маъноси йўқ, ҳамма яхши кунлар тугагандек туюларди.

16 ёшдама намоз ўқишни ўргандим. Ҳар намозимнинг охирида Оллоҳдан "Шармисор қилма, ўзинг тўғри йўл кўрсат", деб илтижо қилардим. Ётишдан олдин ҳам фақат шу илтижони сўрардим. Ўзимни ўлдиришга ҳам бўлганман. Лекин Оллоҳга шукр, вақтида ҳидоятга юриб, бу ишнинг улғуғуноҳ эканлигини тушундим. Мактабни битириб тиббиёт билим юртига ўқишга кирдим. 1-курсни битириш арасида уйимизга совчилар келишди. Ўртага бизнинг қишлоқдан шаҳарга келин бўлиб тушган, мендан 6 ёш катта яқин дугонам ва унинг эри тушган эди. Кўё бўлиш уларнинг яқин дўсти экан. Ота-онам: "Авалл учрашиб кўрсин", дедилар. Ота-онам ҳозиргача бу тўғрида

билишмайди. Мен "Биринчи учрашувдаёқ рад жавобини бераман, дунёдан тоқ ўтман", деб ўйлагандим. Лекин у йигитнинг самимий қарашлари, муносабати олдида ўзимни йўқотиб қўйдим. Чунки у мен орзу қилган, ўз ҳаёлимда турлича кўринишларда тасаввур этган йигит эди. Биз яна бир неча марта учрашдик. Мен ҳеч унга рад жавобини бергим келмас, биринчи кўрганимда юрагим алланечук бўлиб кетганди, ундан айрилгим келмасди. Аҳолим эса ўзимга аён. Охири ўйлаб-ўйлаб ўша ўртага тушган дугонамга дардимни айтдим. У ҳам менга қўшилиб йиғлади. Шунда келишиб, дугонанинг эри орқали ўша йигитга айтмоқчи бўлдик. Дугонам: "Агар у имонли, инсофли йигит бўлса, сени тўғри тушунади. Бўлмаса, яна бошқа чорасини топармиз", деди.

Айтилган кўннинг эртаси биз яна учрашдик. Шунда у: "Буларнинг бари ростми?", деб сўради. Мен ерга қарардим... "Биров орқали айтмасдан, ўзимга айтсангиз ҳам бўларди", деди. Мен шу пайтда ҳеч гапиролмас, томоғимда йиғи тикилиб турарди. Шунда у: "Ҳаётда кўп қийналибсиз, мени алдмаётган бўлсангиз, мен сизга уйланишга қарор қилдим. Агар сизнинг гапларингиз ёлғон бўлса, билиб қўйинг, ўртамазда Оллоҳ бор. Мен бу ишни Оллоҳ учун, савоб умидида қилаяпман. Лекин сиздан аёллик вазифаларингизни бажаришни талаб қиламан", деб шарт қўйди. Ўша пайтдаги аҳолимни кўрсангиз эди. Оллоҳнинг менинг шунча дуоларини ижобат қилиб, шундай яхшиларга йўлиқтирдик. Қалбимда умид пайдо бўлди. Ўша кунни эсласам, Оллоҳга шукроналар айтаман. Унинг марҳамати билан бугунги кунда юзим ёруғ, аҳойиб оиланинг бахтли бекасиман. Умримнинг охиригача мени бу азоблардан қутқарган, ҳақиқий мард инсондан миннатдор бўлиб яшайман. Унга ҳар қанча ширин гаплар айтсам, меҳнатимни, жонимни фидо қилсам арзийди. 1998 йилда тўйимиз бўлди. Тўйдан кейин эса ифратим ўзимда экан-

лиги маълум бўлди. Биз иккимиз ҳам жуда хурсанд бўлдик. Чунки йиллар давомида мени кўртдай кемириб келган қўрқувларим асоссиз бўлиб чиқди. Ўша куни қувончдан роса йиғлагандим. Ҳозир биз жуда аҳил яшаймиз. Жигарбандларимиз, қизларимизни катта қўяпмиз. Дадаси қизларини жуда яхши кўрадилар. Ҳаттоки, ота-онамни кўргани бормоқчи бўлсам, "сизларни соғиниб қоламан", деб фақат бир кунга руҳсат берадилар. Мен ҳам уларга жудаям суяниб қолганман. Уларнинг гаплари мен учун деярли қонун бўлади. Ҳеч кимга қулоқ солмасам-да, лекин уларнинг айтганини қилишга ҳаракат қиламан. Бизларни топиштирган дўстларимиздан ҳам бир умр миннатдорман. Мени тўғри тушунишди. Ҳозир оилавий борди-келди қилиб турамиз.

Хурматли сингилларим, мен сизларнинг ростўй, виждонли ва ақлли қизлар эканлигингизга тан бердим. Чунки қанчадан-қанча беномус қизларнинг ифратини турли йўллари билан тиклаб, содда йигит-алдаб, ҳеч нарса бўлмагандек бош қўтариб

«Виждонсиз қандай яшайман» — 10-сон
«Қасматимиз бир хал экан» — 32-сон

ЭСЛАТМА: 8 ёшларимда мендан 4 ёш катта тоғам менга ёпишиб, зўрлик қилди. Бу воқеани кўрқанимдан ҳеч кимга айтмадим. Энди мени иложим қанча...

ЭСЛАТМА: Гўдак эдим. Бузимникига бориб турардим. Бир куни у ерда амакининг ўғли мени бир хонага етаклаб кирди... Авадига бу воқеа тушида бўлди шеклили, деб ўйлаб юрдим. Аммо... Ҳозир у билали, лекин тирноққа зор. Мен эса турмушга чиқишга қўрқаман.

юришларини кўп эшитганман. Сизлар эса ҳақиқий ибодатчи қизларнинг иштини қилибсиз. Сизларга маслаҳатим, ҳеч қачон умидсизликка тушманг. Оллоҳдан тинмай дуо қилиб сўранг.

МУХЛИСА
ШОХИСТА

Яна бир маслаҳатим, бор дардингизни энг яқин сирдошнингиз - онангизга икки опаларингизга секин тушунтириб айтинг. Шифокор кўригидан ўтсангиз ҳам бўларди. Сиз ҳам, сизнинг ўша ахлаб тоға ва амаки-ваччангиз ҳам у пайтда жуда ёш бўлгансизлар. Балки мен каби бекорга қўриқиб юргандирсиз, сизларга ҳеч нарса қилмагандир. Шундай бўлиб чиқишини жуда истардим. Лекин жуда эҳтиёт бўлинг. Бу масалани фақат ўзингизнинг энг яқин, энг ишончли кишингиз билан ҳал этинг. Чунки сал тили бўшроқ одам аралашиб қолса, сиз ёмон отликка чиқиб қоласиз.

Ёмон ҳаёлларга берилманг, ўқишингизни давом эттириб, ҳунар ўрганинг. Келажакка, яхши кунларга ишончингиз сўнамсин. Бахтли онлар келишини кутинг.

Оллоҳдан сизларга бахтли оиланинг энг гузал бекаси бўлиб юришингизни тилаб дуо қиламан.

Н.

Тошкент вилояти

Кизларим Мухлиса ва Шохиста. Сизларнинг дарду алам билан ёзган мактубларингизни бир неча бор ўқиб чиқдим. Мен тиббиёт ходимиман. Ҳозир нафақадаман. "Оила ва жамият" газетаси муҳлисиман. Сизлар иккалангиз ҳам қалби пок қизлар экансизлар. Ва ўйламанки, тоғангиз ва амакингиз ҳам болалик, ёшлик қилганлар, чунки улар 11-12 ёшли болалар бўлган, бу ишнинг оқибатини тушунамагилар албатта. Сизларга маслаҳатим, она билан қиз ҳамма вақт сирдош бўлади. Онангизга ёки тушунган опангизга ёки холангизга бу сирингизни айтинг ва албатта тиббий қўриқ, яъни акушер-гинеколог врачга кўрининг. Чунки ўғил бола 11-12 ёш вақтида боқиралик пардасини жароҳатлантира олмаслиги мумкин. Сизларга оқ йўл тилайман.

Б. РАФИЕВА

Бухоро вилояти

Мен ҳам "Оила ва жамият"нинг ашаддий муҳлисиман. Ундаги мақолаларни ўқиб, ҳаётимга ҳаёт қўшилиб, уч нафар вояга етмаган гўдак фарзандларимга ҳам ота, ҳам она меҳрини бериб вояга етказмоқдам. Ёшим 50 да. Фарзандларимнинг онаси - экинчи рўзгорим бўлади. Хотиним 1996 йил энг кенжа ўғлимни кўкрак сүтидан ажратиб улғурмай, енгил ҳаётни қўзлаб, 3 нафар фарзандидан воз кечиб, чиқиб кетганди. Бир вақтлар бу аёл ҳам худди Сурайёхон синглимдек, биринчи рўзгори билан 7-8 йил яшаб, фарзанд кўрмай ажрашган, менга тегди. Биринкетин 3 фарзандли бўлдик. Аммо, инсон имондан чиқса, шу қўйга тушар экан. "Ол, болаларингни боқавер! Ахир мен дунёга бир марта келаман, еб-ичиб, ўйнаб-қулиб олайин", - деса бўладими?! "Эй, хотин, Оллоҳдан қўрқ, ахир охиратингнинг ўйла", десам, хотиним: "Ўлганимда мени бурда-бурда қиладими ёки ёқадими у Оллоҳнинг иши. Мен у пайтда ўлган бўлам", дейди. Мен хотинимнинг бу гапидан лол бўлиб, қотиб қолдим. Ҳозиргача унинг сўзлари қулоғимда жаранглаб туради. Бирок, фарзандларим эсли-хушли, ақлли, ҳусни ҳам ҳеч кимдан кам эмас. Мен Андижон халқ судига мурожаат этиб, 3 нафар вояга етмаган фарзандларим таъминоти учун хотинимдан алимент талаб қилдим. Суд ўз қарорини чиқарди. Хотинимни ҳозирда ҳеч қаерда ишламаётганлиги ҳисобга олиниб, у энг кам иш ҳақи миқдоридан алимент тўламоқда. Баъзида ўша пулни ҳам тўлолмайди. Аммо бола бола-да. Улар аёл қалбига, она меҳрига жуда зор! Мен ҳам Оллоҳдан шу фарзандларимга имон-этиқодли, покиза, яхши она сўрайман. Бир куни яхши бир аёл — она ҳам пешонамизга битиб қолар! Энди мен Сурайёхонга шундай демоқчиман: «Сиз синглим, ароқ ичишни ташланг, Оллоҳга ибодат этиб, 2 ракаат нафл намозини ўқинг ва "яхши бир инсонни менга насиб этгин, эй Оллоҳим", деб сўрайверинг. Сабр қилиб, ўзингизга бахт, имон тиланг».

ҒУЛОМ

Андижон

УМИД ВА САБР ҚИЛИНГ

Сурайё, дил изхорингизни ўқиб жуда таъсирландим. Инсон умид билан яшайди. Шунинг учун ҳам ноумид-шайтон, дейишарди. Қизгинам, энди 31 ёшда экансиз, ноумид бўлманг! Худодан фарзанд сўраб 7-8 йил умрингиз ўтган экан, вақти келиб албатта муродингизга етасиз. Яна бахтли оила қуриб, фарзанд кўрасиз. Инсонни инсон ҳўрласа, ҳеч гап эмас, Худойимдан мадад келади. Эрингиз, қайнонагиз сизни ҳўрлаган экан, ҳам

«Яхшиямки яхшилар бор». 31-сон
ЭСЛАТМА: Ўзим севмаган бир йигитга турмушга чиқдим. Лекин ўртамазда фарзанд бўлавермади. Тез-тез жанжаллашиб турардик. Орадан 7-8 йил ўтиб кетди. Кейин мен ичадиган бўлиб қолдим, йўлимни йўқотдим. Аммо онажоним, жигарларим насиҳатига амал қилдим. Бирок қалбим ўксик...

м а с и
шунинг йилгинки, сиз бахтисиз, сизнинг онангиз, опа-укаларингиз бор. Айниқса, меҳрибон М. опангиз маслаҳатлари сизга мадад бўлган. "Соқларимга оқ оралади, эрингиз кетгани - обрўйим кетгани экан, гийбатларга қолдим", дебсиз. "Бу дунё гийбатга қондир - гийбат учун дунё макондир", деган экан бир дошманам. Бу дунёда ёмонлар ҳам, яхшилар ҳам бор...

"Шундай кунлар давомида оз-оз ароқ ичадиган бўлиб қолдим", дебсиз... Худо сақласин! Мен бу гапингиздан қўрқиб кетдим. Бир аёлнинг ароқ ичиб қандай бахтсизликларга учрагани эсимга тушиб

кетди. У қиз зиёли оиладан эди. Уни кўрса ҳар қандай йигитнинг ҳаваси келарди, "шундай ёрим бўлса", деб орзу қиларди. (У кизни Умида дея атай қолайлик.)

Умида институтда ўқиб юрганида Карим деган бир йигит билан севишиб, институтни тамомлагач турмуш қуришди. Икковий ҳам мактабда ўқитувчилик қилишарди. Лекин қайнона келини сизга

бошлади. Кийинишдан, юриш-туришдан камчилик қилдиранди. Уйда жанжаллар бўла бошлади. Келин оғирроқ эди. Эрининг қариндошлари тўйида хизмат қилиб, қаттиқ шамоллаб, ўлик бола туғди. Қайнона заводда ўрис аёллари билан ишлаган экан, ароқхўрликни яхши кўрарди. Уйларига дўстлари келиб, ароқхўрликлар бўлиб турарди. Келин ҳам аста-секин уларга шерик бўла бошлади. Бутун ҳаётидаги қайгу аламларини ароқ ичиб эсидан чиқармоқчи бўларди. Лекин у ботқоққа ботиб борарди.

Вақт ўтиб Умида яна фарзандлар кўрди. Фарзандлар улғайди, олийгоҳларни тамомлашди. Лекин она "ароқхўр" деган тамгани олди... Мана аёлнинг ароқни оғизга олиш оқибати. Қизгинам Сурайё, ҳеч-ҳеч ароқни оғизга олиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрманг!

Юрагингиз аламу қайгу бўлса, Асло уни шароб ичиб ювмагин! Шаробни ичмоққа ўрганиб қолиб, Ҳаётингни асло қурбон қилмагин!

Эх, бу ажиб ва макрли, сирли дунё. Кимлар бу дунёдан ўтиб кетмаган. Қўлларидан иблис шаробин тўтиб, Қўларидан қонли ёшлар тўқмаган. Сиз иродали аёлсиз! "Кечинмаларнинг мингдан бир қисминки ёздим", дебсиз. "Тушунлиққа тушса одам муҳаббатига, ёрига, дўстига суянади", дебсиз. Яна ўзингиз «мен онамга, ёру дўстларимга "Оила ва жамият" газетасига суянаман», - деб ёзибсиз. Ҳа, чинданам "Оила ва жамият" газетаси - ҳаёт мактаби...

Қизим, сизга жуда оғир бўлса, бир фарзанд олиб асранг! Келгусида сизга мададкор бўлади. Ҳаётнинг қадрига етадиган эр-халқа турмушга чиқинг! Мен ишонаман, ҳаммаси яхши бўлади. Умид қилинг! Сиқилганингизда меҳнат билан шугулланинг! Меҳнат қайгу, аламларни эсдан чиқаради. Инсонга умид бағишлайди. "Ғам-ташвишлардан холи, юзи ёруғ бўлиб бемалол яшашни истаган одам меҳнат билан дўстлашади", дейди ёзувчи Ҳаким Назир. Менинг сизга берадиган маслаҳатларим — Сурайё, китоб ўқинг! "Энг азиз суяначик дўст тўғрисида ўйлаганда ҳам, кўз олдимга дастлаб китоб келади", дейди яна ўша адабимиз. Гийбатлардан қутулиш йўли - бу ҳаммасига қулиб боқиб жавоб бериш. Ана шунда гийбатчилар гийбат қилишдан чарчайди. Сиз эса аста-секин ўз қоматингизни, қадрингизни тиклайсиз. Ёшсиз, гўнчасиз, гулсиз... Илло, муродингизга етасиз, бахтингизни топасиз.

Ғайнижамол АБДУЛЛА қизи, кекса ўқитувчи
Тошкент шаҳри



НИГОРА! "О"
15 ёшнинг муборак бўлини. Барча-барча орау-ниятларингга етишинингга тилакдонман.

Опахонинг Дилафруз



Хурматли Наргиза АБЗАЛОВА!

Сизни туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Соғ бўлинг. Умрингиз шодлик ва бахтга тўлиқ бўлсин.

Кайнонангиз Мавжуда



Азиз ўғлимиз УМИДЖОН!
Сени 28 август - 20 ёшга туғилиши билан қутлаймиз. Соғ бўл, узоқ умр кўргин.

Даданг — Норбобо, ойинг — Халима, опанг — Нигора, аканг — Рустам, синглинг — Наргиза, жиянинг — Муҳаммад Али, дўстинг — Абдор, амакинг — Холиёр.

А. Икромов тумани

Чиройли озиш. (Шоколадлар, чойлар) Тел: 131-27-42

Инглиз тилини ўргатаман. Тел: 76-62-78



РЕСПУБЛИКА "ОИЛА" ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ
ҚОШИДАГИ "ОИЛА ЗИЙНАТИ" МАРКАЗИ
Қизларни ва келинчаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида қуйидаги ўқув курсларини ташкил этди:

2 ОЙЛИК:
1. Бичиш-тиқиш (тезкор гуруҳ), бир ойга - 6000 сўм. 2. "Элита" усулида парда, чойшаблар тикиш, бир ойга - 4000 сўм. 3. Олий даражада торт ва салатлар тайёрлаш, бир ойга - 4000 сўм. 4. Сартарошлик, бир ойга - 5000 сўм. 5. Компьютер билимлари, (Windows-98) бир ойга - 5000 сўм. 6. Массаж, (амалиёт билан) бир ойга - 4000 сўм. 7. Фантазияли гул безакларини ясаш, бир ойга - 4000 сўм. 8. Косметология, бир ойга - 5000 сўм.

3 ОЙЛИК:
1. Зардўзлик (Бухороча), бир ойга - 4000 сўм. 2. Машинада гул тикиш, (вишичка) бир ойга - 4000 сўм. 3. Кўрпа-кўрпача ва туи тикиш - 4000 сўм. 4.

Торт, пишириқлар пишириш, салат тайёрлашнинг нозик сирларини ҳамда келин-куёв шакли ясашни ўргатаман. Катта программа. Тўй кейтларини пишираман. Телефон: 162-67-86

"ШАХРИЗОДА" тўй либослар саломи
Манзил: Чилонзор - 14, 18-уй. 13 кв. Жуковский касалхонаси бекати. Тел: 74-99-88, 131-46-83, 9.00дан 18.00 гача дам олиш кунисиз.

СЕНИ СЕВАМАН...

9-синфни битириб касб-хунар мактабига ўқишга кирдим. У ерда ҳозир ҳам ўқимокдаман. Менга ҳар доим дарсларда ёрдам берадиган курсдошим Дилобарни ёқтириб қолдим. Табиатан тортинчакроқ бола бўлганим учун, буни ўзига ҳам айтолганим йўқ. Бир кун унинг

Кўнгил сири

— Дилобар, мен сени севаман. Ранжитган бўлсам, кечир! Ҳозир таътил. Сени жуда кўргим келаяпти, сени соғиндим.

Тошкент

БАҲРОМЖОН

ФАРЗАНДИМ СОҒ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ

Она борки, фарзандининг соғлом бўлиб, чопқиллаб юришини, дард кўрмасдан улғайишини истайди. Аммо оналар гўдагининг соғлиги ўзларига боғлиқлигига унча эътибор беришмайди. «Яхши юрибман-ку, дўхтир айтаверади-да», деб беларов бўлишади. Бирок кўларига ногирон гўдагини олгандагина кеч бўлганлигини англашади. Темир моддасининг етишмаслиги, яъни камқонлик ана шундай ҳолатларга сабабчи бўлади. Шунинг натижасида кўпинча ҳомиланинг вақтидан аввал туғилиши хавфи пайдо бўлади. Ачирилмаси шундаки, темир моддаси етишмаслиги аввало гўдакнинг бош мия фаолиятига чуқур салбий таъсир кўрсатиб, унинг асоратлари эса қайта тикланмас экан. Бунинг олдини олиш эса соғлом фарзанд кўришни истаган онанинг ўзига боғлиқ. Камқонлиқнинг олдини олиш учун эса, темир моддасига бўлган овқатлардан истеъмол қилиш зарур. Гўшт, балиқ, шунингдек, уларнинг ўрнини боса оладиган сабзавот маҳсулотларидан истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ. Ловия, жүхори, нўхат ва мош маҳсулотларида гўштининг ўрнини босадиган дармондорилар бор. Сабзи, шолғом, помидор, қарам, лавлаги С витаминига жуда бой. Ўрик, олча, узум, анжир меваларидан доимий равишда истеъмол қил-

ган ҳомилалар аёллар камқонлик касалига сира чалинишмайди.

Шуни ёдда тутиш керакки, овқатланиш пайтида ҳам, ундан кейин ҳам чой, кофе, сут ичилса темир моддасининг организмга сўрилиши камайтирилади. Бунинг ўрнига қайнатилган сув, турли шарбатлар, компотлар ичиш тавсия этилади. Нон маҳсулотлари кундалик энг муҳим озуқаларимиздан биридир. Темир моддасининг нормал миқдорини қоплаш ниятида «Ўздонмаҳсулот» ва Тошкент Давлат иқтисодий табиётини институтини ҳодимлари биргаликда «Темир - нон даволоччи маҳсулот» рецептурасини ишлаб чиқдилар. Ферамид билан бойитилган нон маҳсулотлари ҳомилалар аёллар, эмизикли оналар ҳамда организмда темир моддаси кам бўлган камқонли болалар учун ҳам жуда фойдали.

Очиғини айтиш керак, «камқон» дея ташхис қўйилган аёллар бу касалликка парво қилишмайди. Уйда ишлари кўпчилигини баҳона қилишиб, касалхонага бориб даволашмайди. Биз истардикки, оила-сида соғлом фарзанд туғилишини истаган оналар аввало ўз соғликларини тиклашсин.

Саломатлик

Фарида КОМИЛОВА,
Республика Саломатлик институтининг Тошкент вилоят филиали врач-методисти

«Оила ва жамият» газетаси тахририяти «Тонг юлдузи» газетасининг бош муҳаррири Умида Абдуғафоровага отаси

Мурод АБДУАЗИМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Оила ва жамият» газетаси тахририяти шоир Ўктам Мирзаёрга фарзандлари

УМИДА ВА МУЗАФФАРНИНГ фожиали ўлими муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

"BEGOYIM - SERVIS" ўқув маркази қизларни турли хил курсларга таклиф қилади:

Сартарошлик 1 ой (тўй ва оқшом гуллари); Сартарошлик 2 ой (бошланғич); Бичиш-тиқиш 4 ой; Қандолатчилик 2 ой (торт, салат, печенье); Ўй ҳамшираси 2 ой (амалиёт билан); Массаж 2 ой; Парда 2 ой (парда, покрывал, чойшаблар тикиш); Олий даражадаги қандолатчилик 1 ой (келин-куёв ясаш, торт безатишлар); Косметология 2 ой (амалиёт салонда); Инглиз тили 3 ой (бошланғич); Автосервис; Ўқиб болалар учун 3 ой (электрик, моторист, чилангир, хостеправ). Ҳамма дарслар амалиёт билан ўтилади ва диплом берилди.

Мўлжал: Поликлиника, Ўрда бекати
Манзил: Мустанқиллик метроси, Алишер Навоий кўчаси, 2-уй, 74-хона
Телефонлар: 144-40-47, 41-16-63

"Дилбарим - сервис"

ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ МАРКАЗИ
СИЗЛАРНИ ҚУЙИДАГИ ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

4 ойлик 1. Бичиш-тиқиш; 2. Зардўзлик. 3 ойлик 1. Замонавий "Элита" усулида парда ва чойшаблар тикиш; 2. Торт, салатлар ва пишириқлар тайёрлаш; 3. Ўй ҳамшираси (амалиёт билан); 4. Умумий массаж (амалиёт билан); 5. Қаштачилик (вишичка). 2 ойлик 1. Косметология; 2. Сартарошлик. 1 ойлик (бадний маникюр, педикюр). Ўқилиш тавомлашларига диплом берилди.

Бизнинг манзил: Сирғали 3, Массана кўча, 1-уй, УПК биносининг 3-қавати. Мўлжал: "Сирдарё" кафеси ёнида. Тел: 49-18-71 (8 дан 22 гача), 57-37-86 (10 дан 16 гача).

"Madina Begim"

ЎҚУВ МАРКАЗИ
ҚУЙИДАГИ КУРСЛАРГА ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

3 ОЙЛИК: Сартарошлик (3-ой амалиёт); Ўй ҳамшираси (3-ой амалиёт); Массаж, умумий (3-ой амалиёт); Инглиз тили. Бошловчи ва давом эттирувчилар учун. 2 ОЙЛИК: Косметология; Компьютер (индвид); Тасвирий маникюр; Эраклар сартароши (2-ой амалиёт); Парда ва покрывал тикиш (Элита усулида); Тикувчилик - 5 ой. Қўлда тўқиш; Пальто ва плащ тикиш. 1 ОЙЛИК: Маникюр, тасвирий; Қандолатчилик, (торт безаги) олий курс сирасорлари билан ўргатилади; Сартарошлик, тўй-оқшом гуллари.

1-Манзил: "Хадра" меҳмонхонаси ичида, 5-қават, 510-хона. Мўлжал: Циркнинг ўнг томонида 9 қаватли бино, 144-93-75. 2-Манзил: Алгоритм мавзеси, 126-мактаб ичида. Мўлжал: 13, 69-автотушларнинг охири бекати. Тел: 144-28-11, 45-95-48, 170-58-00, 144-94-96

«Окулист» хусусий шифохонаси замонавий тиббий ускуналарда

а) болаларда жаррохлик йўлисида гилайликни даволайди; б) болалар амблиопиясида кўриш қобилиятини тиклайди; в) тренажёр даволаш ускуналарида миопия ва гиперметропияда кўриш қобилиятини тиклайди. Мурожат қилиш учун манзил: Чилонзор - 12, 17-уй, 3-хонадон. Мўлжал: Фарҳод бозори ва Саноат қурилиш банки ораллиғида. Тел: 76 - 89 - 89

«ЗУККО» фирмаси ўқув маркази Сизларни замонавий касбларни ўргатадиган турли ўқишларга ТАКЛИФ ЭТАДИ

1 ойлик: - Тихорат ва озиқ-овқат дўконлари учун сотувчилар. Бир ойга 6000 сўм; Компьютерчилик - 10 000 сўм.
2 ойлик: - Вишичка - 5000 сўм. Ҳар хил торт, салатлар тайёрлаш. Бир ойга 5000 сўм. - Сартарошлик. Бир ойга 5000 сўм. - Массаж (умумий). Бир ойга 5000 сўм. - Ўй ҳамшираси. Бир ойга 5000 сўм. - Энг замонавий усулларда "Элита" пардалари ва чойшабларни тикиш. Бир ойга 5000 сўм.

1-Манзил: Метронинг "Тинчлик" бекати ёнида жойлашган. Эслаб қолинг: «Зукко» фирмасининг ўқув маркази. «Адиас» дўкони ёнида. Тел: 42-36-71

3 ойлик: - Бичиш-тиқиш. Бир ойга 5000 сўм. - Инглиз тили (бошловчилар учун). Бир ойга 5000 сўм. - Акушерлик. Бир ойга 5000 сўм. - Теле-радио усталари. Бир ойга 5000 сўм.

Ўқилиш битирганларга диплом ва гувоҳнома берилди. Виллоятдан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар. Фирма сифатли ўқитишга қаратилган. Ҳамма ўқишлар амалиёт билан.

2-Манзил: Юнусобод тумани, «Қозғистон» кинотеатри биноси ичида. Тел: 35-10-36

«ЎКТАМОН» ўқув маркази ўқишга таклиф этади: (ўқишга ҳар ойда қабул қилинади)

1. Бичиш-тиқиш - 3 ой; бошловчилар учун - 6 ой. Бунда сиз 100 дан ортиқ замонавий либослар, костюм-шл, бешик усти жиҳозларини бичиш-тиқишни моделлаштиришни ўргатасиз. 2. Ҳамширалик - 6 ой. 4 ой ўқиш, 2 ой амалиёт маҳсулотлари ўтилади; 3. Қаштачилик - 3 ой, машинада тикиш - 3 ой; 4. Зардўзлик (бухороча) - 3 ой;

5. Сартарошлик - 3 ой (амалиёт билан), эраклар учун - 2 ой; 6. Массаж (амалиёт билан) - 2 ой; 7. Торт ва турли хил пишириқлар - 2 ой; 8. Инглиз тили - 3 ой; 6. Парда ва покрываллар тикиш - 1 ой.

Ўқилиш тугатганларга диплом берилди. Лиц: № 587
Манзил: Юнусобод тумани, 3-мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод бозори оқсидида. Тел: 121-77-72 (соат 8 дан 17 гача), 125-46-27, 125-97-93 (кеч соат 17 дан 22 гача).

«ДИЛОРОМ» ўқув маркази қуйидаги курсларга таклиф қилади:

2 ойлик: - Компьютер билимлари: (Windows-98; MS Office; Internet - E-mail); - Компьютерларни роллаш ва модернизациялаш; - Замонавий бухгалтерия хисоби; - Замонавий пардалар ва чойшаблар тикиш ("Элита" усулида).

3 ойлик: - Бухгалтерия хисоби ва компьютер таълими; - Инглиз тили, видео-аудио материаллар ёрдамида (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун); - Тикиш-бичиш, моделлаштириш (енглиш ва усти кийимлар). Битирувчиларга диплом-сертификат берилди.

Манзил: Абдулла Қодирий кўчаси, 13-уй, 2-қават, 55-хона. Мўлжал: Метронинг "Алишер Навоий" бекати, Стоматология поликлиникаси ёнида. Тел: 144-03-25, 144-92-39, 22-59-55

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА БИЧИШ ВА ТИКИШ ЎҚУВ МАРКАЗИ «МОҲИР ҚўЛЛАР»

Қуйидаги пуллик курсларга қабул эълон қилади:
— Моделинг-технология (бичиш-тиқиш курслари) — 2; 4 ойлик; — Моделинг конструктор (енги моделларни яратуви, 100% бичиш билан шугулланиш шартли ассоциация) — 2 ойлик; — Эраклар кийими — 2 ойлик; — Аёллар костюми, галтоси, плащ — 3 ойлик; — Дилпарда, парда, чойшаб, ёстиқ, дастурхонлар — 1,5; 3 ойлик. ДИККАТ! Ҳоҳловчилар учун яқка тарзда кичик-гурулларда (3-5 кишилик) олиб борилади. Ўзги таътил даврида махсус гуруҳлар қабул қилинади. Мақтаб ўқувчилари учун чегирмалар мавжуд! Битиришларга диплом берилди. Қабул ҳар кун (яшанбадан ташқари) соат 10 дан 14 гача. Манзил: Пушкин кўчаси, 7-уй, 3-бизнес мактаби, 4-қават, 524-хона. Мўлжал метронинг "Амир Темур" бекати, Магазин "Top moda", Тел: 133-73-97, 76-71-95.

Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан яқка тартибдаги тадбиркор Қайюмов Баҳромжон Алиевич номига берилган N 1015850 гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

С. Раҳимов ҳокимияти томонидан яқка тартибдаги тадбиркор Мирзаев Ботир Раимович номига 20.03. 2002 йилда берилган N 0520390 (431720913) рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

Менга қадрдон бўлиб қолган "Оила ва жамият", сен ўз саҳифаларинг орқали ҳаётда қийналган, не-не адашган инсонларга ўз маслаҳатларингни бериб бораёсан. Виждон, ор-номус, диёнат, севги-муҳаббат

Мен унинг бу қатъий гапларига нима дейишни билмай ҳайрон қолдим. Иккилана-иккилана:

- Бир учрашиб кўринглар. Балки кейинчалик севиб қоларсиз,- дедим. Шунда у бир марта учрашгани, йи-

Билмадим, ҳали у кизни кўрмасидан, нимаси биландир ўзига тортаётганди. Унинг овозиёқ мени махлиё қилиб бўлганди. Шунда ўзимни қайтаришга, Мадина ҳақида ўйламасликка ҳаракат қилардим. Бу орада дўстим бошқа шахарга ишлагани кетадиган бўлиб қолди. Энди "Дўстим кетса нима бўлади, у билан гаплашмай қандай чидаб яшаб юрарман?"- деган хавотирга тушдим. Афуслики, менда у кизнинг телефон рақами йўқ эди. Мадинанинг ўзидан сўрасам, айтмади. Охири дўстим Мадинага телефон қилаётган пайтда ўғринча назар ташлайдиган бўлдим ва шу йўл билан унинг телефон рақамини билиб олдим. Дўстим иш билан шахардан жўнаб кетди. У кетгандан кейин уч-тўрт кун телефон қилмадим. Аммо у билан гаплашишни кўмсардим, соғиниб қолгандим. Охири унинг телефон рақамини тердим. Гўшақни унинг ўзи олди. Жуда хурсанд бўлиб кетдим! У билан узок гаплашдик, дилдан гаплашдик, фақат дўст сифатида. Хуллас бундай гаплашишлар ҳар кун тақрорланадиган бўлди. Энди мен унга ипсиз боғланми қолгандим. У ҳам менга ўрганиб қолганлигини айтди. Бир кунни мен Мадинага учрашишни таклиф этдим. Рози бўлди. Уни кўраман деб шун-

лефон рақамини тердим. Сабрсизлик билан ундан ўз фикрини айтишни сўрадим. Бўйимни гапирдию, лекин учрашиб туришимизга "йўқ" демади. Чунки биз у билан юзма-юз бир марта кўришган бўлсак-да, телефон орқали сирдош, дардқаш бўлиб қолгандик. Иккаламиз ҳам бир-биримизни йўқотишни истамасдик. Гўёки бу дунёда бизни бир-биримиздан бошқа ҳеч ким тушунмасди. Мадина:

- Учрашувдан кейин мендан айнаиб қолган бўлсангиз, ўзингиз биласиз, аммо менинг фикримча гап бўйда эмас! Сизни рад этсам, кейин сиздек йигитни ҳеч қадардан тополмайман. Менинг гапим шу,- деди. Бу гап менга шундай ёқиб тушдики, гўёки бу дунёда мендан бахтли одам йўқ эди!

Шундай қилиб, бир-биримизга бўлган дўстона муносабатимиз муҳаббатга айланди. Мен ундан ҳечам кечолмасдим, кечолмайман ҳам. Чунки Мадина менинг юрагимда илк куртак очган муҳаббат гули. Энди ўртада яна бир сир, тўғрироғи муаммо бор эди. Уни алдаб оила қуролмасдим. Агарда уни алдасам, севгимизга ёлгон аралашса, у ҳақиқий севги бўлмасди. Айна дамда "Агар айтсам, мендан кўнгли совиб кетиши мумкин" деб қўқардим. Уни йўқотишни истамасдим. Охири айтишга қарор қилдим:

- Менинг бир айбим бор... Аввал уйланганман, бундан беш йил олдин тўрт ой яшаб, ажрашиб кетдим. Биз у билан умуман бир-биримизга тўғри келмасдик,- деб ҳаммасини очик-ойдин айтиб бердим. "Шу пайтгача уйланмай юрганимнинг сабаби - қизларга ишонмаслигим эди",- деб тушунтирдим. Йўқ, у ўйлаб ҳам ўтирмади. Мени тўғри тушунди. Мендан асло кечмаслигини, мен билан доим бирга бўлишни ва бир умр севини айтди. Бу мен учун катта бахт эди. Агарда "Йўқ", деганда, нима бўларди, билмадим? Хуллас ҳаммаси яхши бўляпти, аммо кизнинг ота-онаси эшитса нима бўлади? "Қизини менга берармикан?"- деб ўйланардим. "Агарда ўз кизини бахтли бўлишни истаса, йўқ дейишмаса. Шундай ақли, одобли кизни тарбиялаб вояга етказган ота-она ўз фарзандининг қарорини тушунар",- деб ўйладим. Хуллас, шахарлик киз ўз севгисини ўчун қишлоққа келиб бўлиб боришга рози. Ҳар қандай шароитга чидашини ва фақат мен билан бахтли яшашини айтди. Мен ҳам у билан яшасам, орзуларимни рўёбга чиқарсам, "бахтли инсонман" деб айтолاردим. Бахтли яшашим, севгим учун ҳамма нарсага тайёрман.

Сиздан эса, азиз муштарий, бир маслаҳат керак. Нима қилай? Дўстимнинг севгисига уйлансам, унга ҳиёт қилган бўлмасмиканман? Чунки у - менинг қадрдон дўстим. Мадина эса, менинг севгим - умримнинг мазмуни. Маслаҳат беринг, қандай йўлни танласам тўғри бўлади?

БОТИР

Гулистон шахри

БИР-БИРИМИЗНИ

бобида сабоқлар берасан. Менга ҳам сенинг маслаҳатинг зарур бўлиб қолди... Ҳамма ёшларда бўлгани сингари, мен ҳам муҳаббат дардига йўлиқдим. Тўғри, бу менинг энг соф муҳаббатимдир, аммо кимларгадир ҳиётат қилгандайман. Йўқ, мен муҳаббатда қуйиб, алданиб ёки алам билан ёзаётганим йўқ. Фақат виждоним олдида қийналяпман, холос. Ҳаммаси мана бундай бошланди. Қишлоқдан шахарга ишлагани келиб, муҳаббат деган улуг туйғуга дучор бўлдим. Бирга ишлайдиган бир дўстим бор эди. У Мадина исмли бир кизни севар экан. Улар телефон орқали тез-тез гаплашиб туришарди. Мен эса бунга эътибор бермас эдим. Бир кун дўстим телефонда Мадинага шунчалик илтимос қилиб ёлворяптики, унинг гапларини эшитиб ҳайрон қолдим.



ЙЎҚОТИШНИ ИСТАМАЙМИЗ...

У кизни учрашувга таклиф қилар, у билан "юрш"ни, унинг севгисига рози бўлишни ўтиниб сўрарди. Лекин ундан ҳар гал рад жавобини олаверарди. Охири дўстимга: "Қўй, шу кизни. Шунчалик ҳам ялинасанми? Бошқа киз йўқми сенга? Йигит киши бунчалик бўлмайди-да",- дедим. У менинг гапимга қулоқ солиш ўрнига: "Сиз гаплашиб кўндириб беринг. Яхши одамсиз, ёрдам беринг",- деб илтимос қилди. Ва мен севилганларни бир-бирига етказай деб рози бўлдим. Рози бўлмай ҳар нарса бўлай... Хуллас, дўстим Мадинага телефон қилди ва: "Дўстимнинг сизда гап бор, эшитинг илтимос",- деди. Мен Мадина билан - дўстим ишқиди ёнаётган киз билан "ўғил болачасига" гаплашиб қўймоқчи бўлиб гўшақни олдим. Шунда у томондан майнингина, ёқимлигина "Ассалому алайкум", деган сано келди. Унинг овозини эшитиб лол қолдим. Шундай ёқимли эдики... Хуллас ақлу ҳушимни зўрға йиғиб, гап бошладим: "Бунча ялтиртмасангиз, ёки осмондаги оймасиз синглим, дўстимга раҳмингиз ҳам келмайди ёки йигитларни ялтиртишни яхши кўрасизми? Ўзи сизда юрак борми?"- деган саволларни қалаштириб ташладим. Шунда у:

- Мен дўстингизга "ялин", демаяпман, ўзи ялинапти. Мен уни севмайман, ҳеч қачон севмаганман! У билан гаплашган бўлсам, дўст сифатида гаплашдим. Юракка келсак, менда ҳам юрак бор, аммо уни мажбурлаб бўлмайди-ку. Дўстингизга айтинг, энди менга кўнгирак қилмасин!

гит ёқмаганлигини ва ўзини-ўзи мажбурлаб севдира олмаслигини айтди. Менинг унга айтадиган бошқа гапим ҳам, сўзим ҳам қолмаганди. У билан хайрлашиб гўшақни қўйдим. Кейин мўлтираб турган дўстимга бундан кейин у билан орадаги алоқани умуман узатиш кераклигини айтдим.

Лекин дўстим ҳар кун телефон қилишни қанда қилмасди. Бир сафар телефон қилганда, Мадина мени сўраётганини айтди. Ҳайрон бўлдим. "Менда нима гапи бор экан?"- деб ўйладим. Телефон орқали иккаламиз яхшигина суҳбатлашдик. Мен дўстим ҳақида гапирсам, унинг эшитгиси келмасди. Хуллас, яхшигина дўстона муносабатда гаплашиб турдик. Кунлар вақтда мен гаплашаман. У ҳам мен билан эринмай гаплашиб ўтираверарди. Ўйлаб кўрсам, жуда ноқулай бўляпти. Ахир дўстим севган киз билан гаплашиб, тобора яқин бўлиб бораёпман. Гаплашмасликка қарор қилдим. Дўстим телефон қилади-да: "Сизни сўраяпти",- дейди. Мен эса: "Мени йўқ деб айт",- дейман. Шундай қилиб, икки-уч мартаба гаплашмадим. Гаплашмадим, лекин ўзим у билан суҳбатлашгани соғиниб қолдим. Унинг ақли, теран фикрли гапларини яна эшитгим келарди. Негадир дўстимнинг Мадинага телефон қилишни кутадиган бўлиб қолдим. Дўстимга "у кизга телефон қилма", деб маслаҳат бериб, ўзим яна телефон қилишдан умидланаман.

дай хурсандманки, асти қўяверасиз. Учрашув жойини ҳам келишиб олдик. Ҳаёлим паршонлигини қаранг, дўстимдан Мадинанинг юз тузилишини, кўринишини сўрамаган эканман. Учрашув жойига бордим. Кўзим катта кўчада. "Қани, қандай киз экан? Кўриниши қанақа экан?" деган ўй миямда чарх урарди. Бир пайт мен томонда бир қиз қулимсираб кела бошлади. Не кўз билан кўрайки, мен ўйлагандан ҳам хушрўйроқ, сочлари малла, кўзлари шахло, чиройлиқина киз. Лекин, лекин... Бўйи мендан анча новча эди. Ҳайрон бўлиб қолдим... "Энди нима қиламан? Ахир у мендан новча-ку?"- деб ўйлай бошладим. "Нима бўлса бўлди, барибир гаплашаман!"- дедим ҳаёлларимни йиғиштириб. Кўзларимни ундан ололмай қараб қолдим, кейин сўрашдик. Бирорта қафега бориб ўтиришни илтимос қилдим. У ҳам йўқ демади. Бирга гаплашиб кетаяпману, ҳаёлим унинг баланд бўйи-бастиди эди. Биз Мадина билан ширингина суҳбат қилиб ўтирдик. Худди телефонда гаплашгандай, оддий, содда, беғубор қиз экан. Хуллас, хайрлашиб олдикдан бир-биримиз ҳақимиздаги фикримизни, телефонда айтишга келишиб олдик. Аммо мен уни, мендан новча бўлса ҳам севиб бўлгандим! Энди менга фақат унинг фикри керак эди. Қани энди тезроқ кеч бўлсаю, телефон қилсам. "У рад жавобини берса нима қиламан?"- деган ўйлар миямга жойлашиб қолганди. Кунни бир амаллаб кеч қилдим. Айтган вақтда унинг те-



Ёшим 35 да. Ўзим оддий ишчи бўлиб ишлайман. Ёшлигимда техникумда ўқиб юрган даврда бир гўзал қиз билан танишиб қолдим. У сочлари узун, одобли, кўзлари қўқ, келишган бир қиз эди. Исми Дилфуза экан. У билан тез-тез учрашиб, бир-биримизга жуда ўрганиб қолдик. Тез орада Дилфузанинг ота-онаси билан ҳам танишиб олдим. Шундай қилиб,

БОШИ БЕРК КЎЧАГА КИРИБ ҚОЛДИМ

ширин ҳаёт давом этаверди. Бир кун Дилфуза менга: "Ўйимизга совчилар келаяпти, сиз ҳам уйдагиларингизни юборинг, бўлмаса дадам мени узатиб юборадилар",- деди. Дилфузанинг ота-онаси обрўли кишилар эди. Мен бу гаплардан ҳайрон бўлиб, нима қилишни ўйладим ва Дилфузага:

"Мен хизматга боришим керак, келгунимча кут",- дедим. У рози бўлди. Апрель ойида хизматга кетдим. У мени 2 йил кутди. Хизматдан 1986 йили қайтиб келиб ўзимнинг Дилфузамга эмас, бошқа Дилфуза исмли қиз билан учрашиб юрдим ва унга ўйландим. Шу билан орадан 16 йил ўтиб, илк муҳабба-

тим Дилфузани учратиб қолдим. Биз гаплашдик. Унинг эри ва 2 ўғли бор экан. Менинг ҳам оилам, 2 ўғлим борлигини айтдим. Ўша илк муҳаббат олови ҳали ҳам ўчмаган экан. Бир-биримизни кўришимиз билан, яна илк муҳаббатимиз аланга олди. Бир томонда аёлим ва фарзандларим, бир то-

монда у. Азиз муштарийлар, бизларга маслаҳат беринг.

Оилам бузилиб кетишини, икки ўғлимнинг кўзи мўлтираб қолишни хоҳламайман. Лекин ичимдаги муҳаббат ўти азоб берапти. Бутун дунё остин-устун бўлиб кетгандай, назаримда. Бу вазиятдан қандай қилиб чиқиб кетай?

У.

Тошкент

ҚУЛОҚНИ ҚИЗДИРГАН ГАПЛАР

- Суви кўп китоб ўтда ёнмайди.
- Чапай бўлганинг учун ҳам ўзимга ўнг қўл қилиб олганман-да!
- Аклининг чегараси бор, ахмоқ эса бу чегарани билмайди.
- Йўқолган пул йўқолиб кетмайди, уни кимдир топиб олади.
- "Яшавор" дедиди, лекин қандай яшашни айтмади.
- Дўхтирга "рахмат"ни операциядан олдин айтиш керак.

- Эркин қўш бўлсанг яхши-да, хоҳласанг учасан, хоҳламасанг учмайсан.
- Кўл кўтарганларнинг ҳаммаси ҳам хайрихоҳ бўлавермайди.
- Қанақа обрў бўлдики, уни ҳар қадамда кўллаб туришса.
- Ахмоққа ақл ҳақида гапирма, аччиғи келади.
- Ҳамма биладиган гапни ҳам гапириб бўлмайди-я.
- Соатга ишониб, умр ўтганини билмай қоляпмиз.

Дам олгани бориб-келган Келдиевнинг ҳафсаласи пир бўлиб ўтирганди, қаердан-дир қўшниси Турсунбой келиб қолди.

- Яхши иш бўлмади-да, - деди Келдиев қўшниси билан кўришаркан. - Кеча тоққа дам олгани чиққандик...

- Нима бўлди? Ёмғир ёғиб бердимми?

- Йўқ! Хўжайин ўтин ёраман деб, бармоқларидан ажралиб қолдилар!

- Ҳақиқатан ҳам яхши иш бўлмабди. Лекин ташвишга ҳожат йўқ экан. Бор-йўғи битта бармоқ экан-ку.

- Бармоқ бўлгандаям ундай-бундай

бармоқ эмас-да! Нақд кўрсаткич бармоқ-да!

- Кўрсаткич бармоқ бўлса, нима қилибди?

- Нима қилибди, дейсиз-а? Энди қандай қилиб кўрсатма берадилар?

- Ҳечқиси йўқ, бармоқлари бўлмаса, каллалари бордир?

- Қизиқ экансиз, одамда калла бўлмаса, нима билан кўрсатма беради?

- Кўрсаткич бармоғи билан.

- Ана, кўрдингизми, энди хўжайинда кўрсаткич бармоқ ҳам йўқ!

Илҳом ЗОЙИР



Изоҳга ҳоҳлат йўқ...

Рассом — А. ҲАКИМОВ

ЁН ҚЎШНИНИ

Ховли олма қўшни ол
(Халқ мақоли)

Аждодларим ўғитига,
Сира парво қилмасдан.
Жой танладим, ён қўшнимнинг,
Феъл-атворин билмасдан.
Уй ҳам битди, кўчиб келдим,
Лаш-лушимни кўтариб.
Кўл орқада, фоз керилдим,
Гоҳо кўйдим йўталиб.
Чегарамни икки метр,
Пахса билан ўрадим.
Сўнг ён қўшним кимлигини,
Ундан-бундан сўрадим.
Биров ундай, биров бундай,
Дея гапни жилдирди.
Қўшним эса кимлигини,
Ўзи бир кун билдирди.
Бир товугим сандирақлаб,
Ховлисига ўтибди.
Дон-дун излаб ховлисини,
Титкилабди, титибди.
Буни кўриб ён қўшнимнинг,
Тикрайибди сочлари.
Қон босими ошиб кетиб,
Оғриб қопти бошлари.
Товугимни қақоғлатиб,
Кувиб келди ховлимга.
Ҳақоратли гап ёғдирди,
Етти пушту қавимга.
Товугимчун тиз чўккидай,
Минг бор узр сўрадим.
Сиз яхшисиз, мен ёмон деб,
Гапни чапга бурадим.
Боғдан келсам, тоғдан келиб,
Тушунмасди гапимга.
Шунда билдим гап ўқтириб,
Бўлмаслигин ҳар кимга.
Сўнг хушомад йўлин тутдим,
Уни роса мактадим.
Айб этмайсиз мурасага,
Келиш эди максадим.
Орага бир товук тушиб,
Бўлиб олдик синашга.
Ён қўшни, жон қўшни дўстлар
Кўнглин қилманг шикаста.

Тоҳир НОРИМОВ

МАМАРАЙИМЖОН

Ҳажвия

Бачқирдаги эркакларнинг одати қизиқ-да!.. Қизиги шундаки, фарзандлари-га яхши ниятлар билан хўп номларни қўйишади-ю, негадир улар сал улғайгач, хотинларини ҳам шу исм билан атай бошлашади. Фарзанд қиз бўлса-ку, бир нави, лекин ўғил болада жуда ғалати туюларкан... Ахир, сарвқомат аёлни "Тошқўзи" ёки "Эшбой" деб турса ғалати-да!

Мирмўмин муаллим ҳам бу хусусда қатордан қолмади. Лекин у бошқароқ йўл танлади. Ёлғизгина ўғли, тўққиз ёшли Мамарайимни олдиға ўтказиб қўйиб, роса қулоғига қўйди:

- Ўғлим, бу - юртга келган тўй экан, нима қилайлик. Аммо яхшилаб ўқиб ол. Агар исминингга "жон" қўшиб қақирсам, онанга тегишли бўлади. Мабода акси бўлса, сен овоз берасан, ҳўпми!..

Мирмўмин аслида семиз, йўғон, таби-

тан инжиқроқ киши. У отга жуда қизиқадди. Лўнда қилиб айтганда, ёши олтишдан ошган бўлишига қарамай, «От деса ўзини томдан ташлайди»-ганлар хилидан. Лекин оилада жуда қаттиққўл. Мамарайим биттагина фарзанд бўлишига қарамай, уни ба-



деб ҳисоблайди...

Хуллас, Мамарайим ҳам, онаси ҳам ҳалиги насихатга бинойидек кўникиб қолишувди-ю, қуриб кетгуд хотира дегани сал "иш кўрсатиб" қўйди, денг.

Яқшанба кўни эди. Мирмўмин муаллим

уйқудан енгил уйғонди. Бозорга отланаётиб, негадир Мамарайимни ҳам бирга олиб кетгиси келди.

- Ул-бул олиб берсам суюниб қолар, - деб қўйди у чиқиб кетаётиб хотинига. Шундан сўнг ўғлини отга мингаштириб, аллақайси қўшиқни хиргойи қили-иб борар экан, йўлда тўсатдан уни бир эркалатишни ҳаёллаб:

- Мамарайимжон, ҳов Мамарайимжон!-дея баланд овозда ўғлини чақирди. Аммо негадир жавоб бўлмади. У яна шу тахлит уч-тўрт марта "Мамарайимжон"лади. Жимлик...

Ота-да, безовталана бошлади: - Тушиб қолган бўлса-я... - Мирмўмин муаллим ваҳима аралаш, бозориния унутиб, отини елдирганча уйга етиб келди-да дарвозаданок:

- Мамарайимжон, ҳов Мамарайимжон, - деб бақирди.

- Хув-в, дадаси, ҳозир. Шу ердан! - хотини ҳеч насага тушунмай Мирмўмин муаллимнинг истикболига чоғди.

- Ўғлинг қаёқда қолди, ўғлинг? - ховликиб сўради Мирмўмин муаллим.

- Мамарайимми?.. Ана орангизда-ку, хотини кўрқа-писа от томонга имлади.

- Нима?.. Қани?.. - Мирмўмин муаллим орқага ўтирила олмаса-да, белига чирмашган жажжи қўлчаларни пайпаслаб зўрга тоғди.

- Мамарайим, шу ердамисан?..

- Ҳа, дада, ўтирибман...

- Нега шунча қақирсам ҳам чўрқ этмайсан?

- Онамни қақиряспиз дебман...

Олимжон ҲАЙИТ

БЎЙДОҚ ЮРГАН ЯХШИРОҚ

(термага ўхшатма)

Сени назар илмаган,
Уй ишини билмаган,
Йўл кўрсатсанг юрмаган,
Нодон, ночор хотиндан,
Бўйдоқ юрган яхшироқ.

Юрак бағринг тиглаган,
Сарпо учун йиғлаган,
Бақириб биг-биглаган,
Шаддод, сўқир хотиндан,
Бўйдоқ юрган яхшироқ.

От минсанг боғламаган,
Вақтингни чоғламаган,
Чарофинг соғламаган,
Хиссиз, ҳорғин хотиндан,
Бўйдоқ юрган яхшироқ.

Сафар олди айтишган,
Бўлар-бўлмас тортишган,
Илон билан чатишган,
Золим, заҳар хотиндан,
Бўйдоқ юрган яхшироқ.

Бесабабдан койинган,
Ғийбатларга тойинган,
Йўқлигинга суйинган,
Тўзсиз, тубан хотиндан,
Бўйдоқ юрган яхшироқ.

Сиринг кўчага сотган,
Топган молининг сочган,
Кечда ёнингга ётган,
Анқов, алас хотиндан,
Бўйдоқ юрган яхшироқ.

Азамат МАХСУМ

Нишон тумани

ШУНДА ҲАЯЖ

Ўқитувчи ховлиқканча синфга кирди-да, ўзаро шовқин солаётган ўқувчиларга ўшқирди:

- Ҳой, жим бўласизларми, йўқми? Нима бу шовқин-сурон?

- Болалар тинчишгач қатъий тайинлади. - Ҳозирги дарсимизга амалиётчилар киришади. Орқа томонда ўтириб ҳаммининг хулқингни, билимингни кузатиб боришади. Чўрқ этган товўшларинг чиқмасин, тушунарлими?

Хатто пашша учгани билинсин. - Тушундик, тушундик!

- Бўлди, кўп чувиллашма!

Дарс бошланди. Муаллима айтганидек ёшгина амалиётчилар орқа сафга ўтиб кетишди.

Ўқувчилар хатто қайрилиб

қараш тугул киприкларини ҳам қўқиб қўйишмади. Ўқитувчи мамнун бўлганча салом берди. Қизик, негадир синф жим. Чўрқ этган товўш эшитилмади. Қайтадан салом берди ҳамки, ўша жимлик, ўша сукут ўқирмон. Бўйилганча синфбошига яқин келиб чақиб олгудек шивирлади:

- Тилингни ютганмисан ҳамманг!..

Синфбоши чўчинқираб бошини елкалари ичига тортиди. Сўнг бор қучини йиғиб шивирлади:

- Ахир ўзингиз чўрқ этган овозларинг чиқмасин, дедингиз-ку!..

Тоҳир ЙЎЛДОШЕВ,

ФарДУ талабаси



- Тавба, ўғлим чекишни қаердан ўрганди экан-а?..



Рассом — А. ҲАКИМОВ

Оила ва жамият

Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган кўлэзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди. Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САЙДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила 133-04-35, 34-25-46

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахо-наси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди - 21.00

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темури кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи»
Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - {якка обуначилар учун 176

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан ўйратилган олинган.

Буюртма Г - 741. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобик, Баҳоси эркин нархда. Адади - 30 000

Саҳифаловчи - Жаҳфар ЖАББОРОВ.

Рассом - Набижон ХОЛМУРОДОВ.

Навбатчи - М. СОДИҚОВ.

Шахрисабз тумани